

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
“ОЗИҚ – ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ОЗИҚ – ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИ

“Тошкентдонмаҳсулотлари” ОАЖда $Q=230$ т/сутка 1-навли (олий) 72 % ун ишлаб чиқариш технологияси мавзусидаги битирув малакавий ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Кафедра мудири

доц. Серкаев К.П.

Битирув малакавий
ишининг раҳбари:

асс. Норматов А.

Битирув малакавий
ишини бажарди:

Маматов К.

ТОШКЕНТ – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ
“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Кафедра мудири СЕРКАЕВ Қ.П.

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БҮЙИЧА ТОПШИРИК

Талаба

(Ф.И.Ш.)

1. Малакавий битириув ишининг мавзуси

(Институт ректорининг 26.05.2014 йилдаги № 4/169 буйруғи асосида
тасдиқланган)

2. Малакавий битириув ишни топшириш муддати

3. Малакавий бити्रув ишни бажаришга доирे күрсатмалар

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби

(ишлаб чикиладиган

масалалар рўйхати)

5. График ишлари рўйхати

кўрсатилади)

Малакавий битирув ишини бажариш режаси:

№	Малакавий битирув ишни бажариш босқичлари	Маслаҳатчининг Ф.И.Ш.	Бажариш муддати	Бажарилг анлиги изоҳи
1.	Кириш.Ишлаб чиқаришнинг назарий асослари.Технологик схемани танлаш ва асослаш.			
2.	Технологик схемани баёни.Хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг тавсифи.			
3.	Технологик ускуналарни танлаш ва хисоблаш.Асосий ускуна ёзуви.Техно-кимёвий назорат.			
4	Техник-иқтисодий ҳисоб қисми			
5.	Технологик жар-ни автомат-риш			
6.	Меҳнат муҳофазаси			
7.	Экология			
8	Фуқаро муҳофазаси			
9.	МБИни расмийлаштириш			

Малакавий битирув ишини раҳбари _____
(имзо) _____ (Ф.И.Ш.)Топшириқни бажаришга олдим _____
(имзо) _____ (сана)
2015 й.

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....
2. Ишлаб чиқаришнинг назарий асослари.....
3. Технологик схемани асослаш.....
4. Технологик схемани баёни.....
5. Хом ашё ва тайёр маҳсулот тавсифи.....
6. Ускуналарни танлаш ва ҳисоблаш.....
7. Асосий ускунанинг тавсифи.....
8. Технокимёвий назорат.....
9. Меҳнат муҳофазаси.....
10. Экология.....
11. Фуқаро муҳофазаси.....
12. Асосий ускунани автоматлаштириш.....
13. Техник-иқтисодий ҳисоб қисми.....
14. Хулоса.....
14. Фойдаланилган адабиётлар.....

КИРИШ

**Ишлаб
чиқаришнинг
назарий
асослари**

Технологик схемани асослаш

Технологик схемани баёни

**Хом ашё ва
тайёр махсулот
тавсифи**

**Ускуналарни
танлаш ва
хисоблаш**

**Асосий
ускунанинг
тавсифи**

Техно-кимёвий назорат

Мехнат мухофазаси

Экология

Фуқаро муҳофазаси

**Технологик
жараённи
автоматлаш-
тириш**

**Техник-
иктисодий ҳисоб
қисми**

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Республикамиз учун ниҳоятда муҳим бўлган ушбу муаммони ҳал этиш учун озиқ-овқат саноати соҳаларини ҳар томонлама ривожлантириш асосида маҳаллий ресурслардан оқилона, ўта самарали фойдаланиш зарур. Озиқ-овқат саноатидаги энг муҳим соҳа эса ун-ёрма ишлаб чиқариш соҳасидир. Шу сабабли ҳам «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан сўнгги йиллар давомида маҳаллий буғдой (арпа, шоли ва бошқа дон маҳсулотлари) ва жавдари навлардан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган.

Ун ишлаб чиқариш технологияси ва асбоб-ускуна, жиҳозларининг мураккаблиги ижтимоий-иктисодий мезонларни ҳал этиш, тизимли таҳлил воситасида уларни такомиллаштириш масалаларини кўндаланг қўяди. Бунинг учун барча технологияларининг ҳар бирини алоҳида ўрганиб, уларнинг қай даражада самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш лозим бўлади. Ана шундай тадқиқотлар натижасида янги ҳамда мавжуд технологик усуллар ва услубларнинг такомиллаштирилган шакллари вужудга келади, буларнинг барчаси амалда ишлаб турган ва янгидан ишга тушурилаётган корхона ва саноат тармоқларининг ривожини таъминлайди.

Демак, ун ишлаб чиқариш саноатининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, маҳаллий ва четдан келтирилган дон, уруғлик дон навларининг ўзига хослигини тадқиқ этиш, техника ва технологияларни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини оширишда ниҳоятда муҳим иқтисодий аҳамиятга эга.

1996 йилга келиб республикамизга Краснодар илмий-тадқиқот институтида етиштирилган серҳосил, юқори сифатли «Деметрия», «Офелия», «Юна», «Скифиянка», «Купава» каби буғдой навлари келтирилди. Келтирилган донларни турли зааркунундалардан сақлаш учун Андижон вилоятида 13 та дон уруғларини тозалайдиган, саралайдиган ва донларга турли кимёвий препаратлар билан ишлов беришга мўлжалланган чет эл технологияси билан жиҳозланган заводлар қурилди. Бу заводлардан давлат

стандарт талабларига кўра ишлов берилган уруғлик донларини вилоятларга юборилади. Ундан ташқари сўнгги йилларда барча вилоятларда донни тозалаш ва унга қайта ишлов бериш корхоналари қурилиб, ҳар бир вилоят ўзида етиширилган буғдой донларига шу ернинг ўзида ишлов беришни амалга оширмоқда. 2001 йилда экилган навларидан «Паловченко», «Крошка», «Чиллаки» ва «Андижон» навлари юқори баҳо олди. Республикада етиширилган буғдой донларидан 10 га яқин турли ёрмалар тайёрланиб, халқ истеъмолига тавсия этилмоқда. Бугунги қунда маҳаллий буғдойларидан тайёрланган 30 дан ортиқ турдаги нон маҳсулотлари тайёрланмоқда

Ун тайёрлаш учун асосан буғдой, жавдар ва тритикал донлари ишлатилади. Истеъмолчиларнинг талабларига кўра сули, гречиха, маккажӯҳори ва арпа донларидан ҳам ун тайёрланади. Турли навли унлар кимёвий таркиблари билан бир-биридан фарқ қиласи.

Истиқололгача пахтадан бошқа экин экилмаган далаларда бугун минг-минглаб гектарлик ғалазорлар денгиздек мавжланиб ётибди. Энди ўзбек дехқонининг омбори донга тўла, дастурхонидан ўз нони узилмайди. Бизга маълумки дон озиқ-овқат ва бошқа соҳалари учун асосий хом ашё ҳисобланади. Ун ва ёрма маҳсулотлари асосан буғдой, жавдар, сули, арпа, маккажӯҳори, шоли, гречиха, сорго ва бошқа донлардан ишлаб тайёрланади. Бу донлардан олинган маҳсулотлардан ташқари иккинчи даражали маҳсулотлар бўлиб, улар: чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва мўйнали ҳайвонларга омихта ем учун хом ашё компоненти ҳисобида ишлатилади.

Ўзбекистон Республикачи ўз мустақиллигиниқўлга киритгач қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор қайта ишлаш саноати соҳаларини ривожлантириш нухоятда мухим касб этади. Зеро мазкур соҳаларни ривожлантиришни Ўзбекистон ахолисини биринчи галда зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, қишлоқ хўжалиги хом-ашё маҳсулотларини янада самаралироқ қайта ишлашга ёрдам беради.

Ун заводларида техно-кимёвий назорат.

Юқори сифатли ун олиш учун доимий равища технологик жараённи такомиллаштириш, хамда хом ашёни технологик ва озуқавий қыйматини эътиборга олиш, илмий нуқтаи назардан асосланган донни ун олишга тайёрлаш йўли ва ундан тайёр махсулот ишлаб чиқариш орқали эришиш мумкин.

Ун заводларидаги техно-кимёвий назоратни бошқаришни аъло даражада бўлиши юқори сиқатли махсулот олишга, хом ашёни иқтисодий ишлатиш, махсулотни чиқиши, ишлаб чиқаришни эстетик ва санитар холатларига эътибор бориш катта ёрдам беради.

ТКНБ ходимлари технологик жараённи билиш ва технологлар билан бирга махсулотни сифатини оширишлари лозим. Келаётган донни технологик ва нонбоплик хоссалари ўрганилгандан кейин ишлаб чиқаришга жўнатиш керак.

ТКНБни иш технологик жараённи автоматизация қилишдан иборат, лаборатория ходимлари технологик жараён ва техно-кимёвий назоратга асосланган ташкилий ишларни киритиш ва қўллаш лозим.

ТКНБни лаборатория ишлаб чиқариш ходимлари яъни вальцевой, рассевной, круповейўик ва технологлар билан бирга юритишлари асослидир.

Корхонани ишини яхшилаш мақсадида ТКНБ ишлаб чиқариш ходимларини технилогик жараён назорати хулосалари билан таништириб боришлари керак.

Ун заводларидан ТКНБни асоси вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Қабул қилишдаги донни сифатини баҳолаш;
- Қуритиш ва қайта ишлов беришни назорат қилиш;
- Донни жойлаштириш ва сақлашни назорат қилиш;
- Донни технологик ва нонбоплик хоссаларини ўрганиш, помол партиясини тузиш;
- Технологик жараённи тўғри ташкил этиш, ишни назорат қилиш;

- Унни, ёрмани, кепакни тортишда сифатини баҳолаш;
- Махсулот чиқиши хисоби ва назоратни ўрганиш;
- Унни, ёрмани, кепакни жўнатишда сифат хужжатларини баҳолаш;
- Ишлаб чиқаришга келган донни ва ишлаб чиқарилган махсулотни хисоб ва сифати бўйича якуний хужжт тузиш;

Донни қабул қилиш. Ун завобига келаётган донни сифати чекланган меъёрда паст бўлмаслиги ва ишлаб чиқаришга жўнатиш учун у яхши органолептик кўрсаткичларга эга бўлиши шу билан бирга зааркунандалар билан заарланганлиги II-чи даражадан юқори бўлмаслиги керак.

Агар дон массаси бошқа зааркунандалар билан заарланган бўлса маҳсус ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатилиши керак. Буғдой ва жавдар донни бир туркумли, 15,5% намлиқдан юқори бўлмаслиги, ифлос аралашмалар миқдори 2%ни, шу жумладан минерал аралашмалар 0.3%, тупроқ, тош 0,1%, заарли аралашма 0,2% донли аралашма 5% буғдой учун, 4% жавдар учун, униб чиққан дон 3% дан кўп бўлмаслиги керак. Навли ун олишда буғдой донини клейковинаси 25%дан кам бўлмаслиги, оддий ун тортишга 20%дан кам бўлмаслиги керак. Клейковина сифати 2-чи гурухдан паст бўлмаслиги шарт. Ювиш машиналари бўлиб, қуригичлари бўлмаган корхоналар 13,5%дан кўп бўлмаган намлиқга эга бўлган донларни қабул қилиши мумкин. Агар ишлаб чиқариш корхоналарида қуригич бўлса ва технологик жараён дон сақлаш омборига қуритилган донни йўналтирилган бўлса чекланган меъёр даражасидаги намлиқка эга бўлган донларни қабул қилишга рухсат этилади.

Айрим вактда маҳсус йўриқнома асосида 0,1%гача ажралмас минерал аралашмали ёки 0,05 дан 0,2% гача бўлган ажратилиши мумкин бўлган заарли аралашма бўлган ҳ дон партияси қабул этилади, агар уни дон тозалаш бўлимида ажратиш мумкин бўлса, 10% совуқ урган ва 15,5гача намлиқка эга бўлган донларни ювиш машина ва қуригич бор корхоналарга қабул қилишга рухсат этилади, 13.5% дан юқори бўлмаган донларни фақат юувучи машинаси бор бўлган корхоналарга қабул қилиш мумкин.

Автомобиль, темир йўл ва сув транспортида келган донлардан лаборатория ходимлари наъмуна олиб, бир маротабалик тахлилларни стандартда белгиланган тартибда назорат этилади.

Донни жойлаштириш. Дон сақлаш омборларида донни сақлаш учун ТКНБ бошлиғи, бош технолог ва омборхона бошлиғи билан бирга жойлаштириш режасини тузадилар. Донни тайёрлаш режаси ун тайёрлаш партиясини тузиш билан боғлиқ бўлган холларда олиб борилади. Бунда корхонани лаборатория сифат текширувчилари асосида ёки олиб келтирилган томонни тукширув натижалари орқали амалга оширилади. Донни жойлаштиришда уни асосий сифат қўрсаткичлари асосида яъни донни технологик хусусиятлари, этиштириш жойи, шишасимонлиги, хажмий оғирлиги, клейковина сифати ва миқдори, намлиги кулдорлиги эътиборга олиб жойлаштирилади.

Турли хил географик зоналарда этиштирилган донлар алоҳида жойлаштирилади. Уларни тури, шишасимонлик қўрсаткичлари асосида жойлаштирилади. Шишасимонлиги бўйича дон уч хил бўлади:

- 1-чи гурухга 60% юқори;
- 2-чи гурухга 40-60% гача
- 3-чи гурухга 40%дан пасти

Донни тозалаш. Қайта ишлашга келган донлар таркибида баъзи меъёрдан ортиқ аралашмасалар бўлса у корхонани дон тозалаш бўлимида тозаланади. Дон қабул қилиш корхоналарига нисбатан ун заводларида ТКИБ лини донни сифатига талаблари юқори. Тозаланган донни таркибида 2% ифлос аралашмалар бўлишига йўл қўйилади. Шу жумладан заарли аралашмала 0.2% захарли ўт уруғлари 0,05%. Дон массаси тозалангандан кейин дон массасида донли аралашмалар 5% буғдойда, 4% жавдарда, униб чиқсан донлар 3%гача.

Донни куритиш. Нам ва хўл донлар ун заводларига келтирилганда дархол қуритилиши шарт. Қуритилган до ун ишлаб чиқаришдан олдин 5 кун сақланиши керак бўлиб, ундаги намлик бир текис тақсимланиши рўй беради.

Донни сақлашда кузатиш. Ун заводларининг дон омборларида сақланаётган донлар доимий кузатилади. Сифат кўрсаткичларининг назорат текширувлари дон қабул қилиш корхоналари каби амалга оширилади. Дон тайёрлаш партиясини тузиш. Дон тайёрлаш партиясини тузиш ун заводида ТКНБни мухим ишлаб чиқариш вазифаларидан биридир. Бу жараённи асосий мақсади технологик жараённи бир текис 10-15 кунга етарлилигини ва корхонани бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Бу эса яхши сифат кўрсатишга эга бўлган ун олишга ёрдам беради.

Дон тайёрлаш партиясини тўғри тузиш дон захираларини корхонада ва давлатда иқтисодий ва рационал холатда аниқ ишлашга олиб келади. Дон тайёрлаш партиясини сақлашни олиб бориш асосан турли сифат кўрсатгичига эга бўлган донларни омборхоналарда тўғри жойлаштирилганига боғлик.

Одатда бир хил партияли донлар ўзаро яқин технологик хусусиятларга эга бўлган донлардан аралаштириб тузилади. Дон тайёрлаш партиясини тузишда қуйидагиларни билиш шарт:- омбордаги донни сифати; ун заводининг ишлаб чиқариш қуввати ва қайси навли ун олиш тайёр маҳсулот сифат меъёрлари; дон партиясини сифат кўрсаткичлари.

Технологик схема баёни.

Дон тозалаш бўлимининг технологик бўлими.

Элеватордан тегирмоннинг дон тозалаш бўлимига келадиган буғдой дон массаси қуйидаги сифатларга эга бўлиши тавсия этилади.

Помол партияси тузилгандан сўнг элеватордан келаётган тозаланмаган дон массаси икки алоҳида оқимга бўлиниб (юқори ва пастки шаффофликдаги донлар) тегирмоннинг дон тозалаш бўлимидаги ТСЦ-50/20 русумли конвеердан ўтиб тозаланмаган дон силосга устига келиб тушади. У ердан УРЗ-1 дозаторда баробар таққосланиб ТКЦ-50/20 ёрдамида донлар яхши аралаштирилиб партияга келиб тушади. Бу нариялардан дон массаси кўтарилиб у ердан дон оқими холида метал чиқиндилардан У1-БМП тозаланилади. Сўнгра ЦМБ буратда йирик чиқиндилар тозаланади ва А1-БИС-12 русумли дон массасини енгил чиқиндилардан отзалайдиган сепараторга келиб тушади. Сепараторларда донлар юқори қаватдан элаклар ёрдамида енгил чиқиндилардан ва пастки элаклар (1.7-20) ёрдамида эса қум, майда тош ва бошқа чиқиндилардан тозаланиб сўнг Р3-БКТ тош ажратувчи ускунага тушади. У ерда дон массаси зичлигига қараб минерал чиқиндилардан ажратилади.

У ерда дон массаси зичлигига қараб минерал чиқиндилардан ажратилади. Ажратилган дон массаси овсюг А9-УТО ва кукол А9-УТК ажратгичдан майда ва узун бегона донли чиқиндилар ва А1-БЗК концентраторида тозаланилади. У ердан дон оқими холида метал чиқиндилардан У1-БМП тозаланилади. Тозаланган дон Р3-БМО обойка ускунасида тозаланилади.

Ускунада донга ишлов бериш жараёнида хосил бўлган аралашмани енгил чиқиндилардан дон қобиғидан ажратиши учун Р3-БАБ русумли аспирантор ускунасига юборилади. Нория донни 6- юриги қаватга чиқариб ундан 5чи қаватда жойлашган дон намловчи Ж9-БМА русумли ускунага узатилади. Дон юувучи цскунада ювилган намланган I ва Іітипдаги дон массаси Р3-БКШ 350 конвеерга тушиб аралашиб сўнг хампаларига

жойлаштирилади, димлаш муддатлари дон шаффоғлигига боғлиқ. Дон массасининг димлаш муддати ўтгандан сўнг донлар дон массасини намловчи А1-БМШ ускунасидан сўнг Р3-БКШ-350 конвеерида намланиб қисман оқланиб дон массасининг 2чи димланиш хонасига жойлаштирилади. Димланган намланган дон массаси Р3-БКШ350 конвеер ёрдамида аралаштирилиб норияга юборилади. Нориядан дон массаси бчи қаватга кўтарилиб сўнг дон массаси кўтарилиб у ердан дон оқими холида метал чиқиндилардан У1-БМП тозаланилади. Тозаланган дон Р3-БМО обойка ускунасида ва Р3-БЭЗ энтолейторида тозаланилади. Р3-БАБ русумли аспиратор ускунасиға юборилади сўнгра А1-БШУ-2 намланади.

Бу ускунадан сўнг дон массаси нория орқали бчи қаватга кўтарилиб юқоридаги жараёнларда намлигини қисман йўқотганлиги сабабли дон массасига 0.3-0.5% намловчи аппарат ёрдамида намланади. Сўнг дон массасини 2 майдалаш (драмой) системаси олдидан 30 минут дамланиб унинг намлигини 14.5-15% гача етказилади. Тозаланган намланган дон автомат тарозига тушиб, сўнг дон тортиш вальцега тушиб майдаланади. Тозаланган намланган дон массаси қуйидаги сифатларша эга бўлиши керак.

Майдалаш жараёни. Майдалаш жараёни асосий вазифаси максимал миқдорда ёрма ва дунстрларни хосил қилиш ва минимал миқдорда ун олишдир.

Ун ишлаб чиқаришда донни майдалаш жараёнини ва оралиқ маҳсулотлар хосил қилиш асосий жараёнлардан бири хисобланади. Чунки бу жараён маҳсулотни чиқиши ва сифати, кийиш жараёнлардаги ускуналарни самарадорлигини ошишига яхши таъсир кўрсатади. Майдалаш жараёнида бу агар юқори сифатли ёрма ва дустларни хосил қилиб олмасак, қолган системалардан олишимиз қийинлашиб кетади. Майдалаш системасида биз 5та майдалаш система ва тишли юзага 8..9% гача қияликда юмилган ва бу тишлар сони 4..4.5тагача бўлган валлардан фойдаланамиз. Натижада круппа дунси кўпайиб боради ва истеъмол миқдорида ун хосил бўлади. 75% ли 2 навли ун олишда майдалаш системалар сонини 5та схемаси бўйича олинди.

Майдалаш жараёнида валикли станок, рассевлар, вымол ускуналари кўлланилади.

Саралаш жараёни 4та системадан иборат. Майдаланган махсулотларни саралаш ун ишлаб чиқариш технологиясида энг муҳим жараёнлардан хисобланади. Ун тортиш жараёнида валецили станокда майдаланган дондан хосил бўлган ёрмалар йириклиги билан бир-биридан фарқланади. Бу эса уларга ишлов беришни қийинлаштиради. Жараёнларнинг самарадорлиги технологик системалар, ситовейка ва валецили станокларда уларни гланурометрик таркибини тавсифига боғлиқ. Уларнинг йириклиги баровар бўлса системадаги тартибли ўрнатиш осон кечади. Ундан ташқари уларнинг йириклиги бўйича фракцияларга ажратиш натижасида ёрмаларни асиллик сифатлари хам ажратилади. Ун ва қўшимча махсулот бўлган кепак хам элак ёрдамида сараланади. Оралиқ махсулотларини саралашда маталл матодан, симлардан тўқилган ситалар ишлатамиз. Майдаланган дондан хосил бўлган махсулотнинг саралаш натижасида “сход” ва “проход” 2та фракцияша ажратилади. Бу жараённинг самарадорлиги қўп омилларга боғлиқ махсулотнинг эланаётган заррачаларининг катта-кичиклигига, элакка тушган юкнинг оғирлигига, элак қайси металлдан тўқилганлигига, элакниниг кўзларининг тавсифига ва элакнинг айланишига хам боғлиқ бўлади.

Бойитиш жараёни

Рассевларда ажратилган майдаланган буғдой, ёрма фракциялари геометрик ўлчамлари жиҳатидан бир хил. Лекин айрим заррачалар бир-биридан аслил сифатлари ёки эндосперм миқдори билан фарқ қиласи. Агар майдаланиш жараёнидаги дон заррачаси крахмалли эндоспермдан ташкил топган бўлса, унда кул моддаси камроқ бўлган ёрмадан иборат бўлади. Агар заррача доннинг юқори, яъни алайрон қатлами, ҳатто дон қобиғидан олинган бўлса, бундай ёрмаларда кул моддаси кўпроқ бўлади.

Майдаланган буғдой ёрмалар массасида муртак заррачалари ҳам бўлиши мумкин. Ана шу турли сифатли аралашмалардан тоза эндосперм заррасини ажратиб олиб, юқори сифатли ун ишлаб чиқариш асосий вазифа

хисобланади. Бу масалани 7 та совуриш-элаш жараёни ҳал қиласади.

Сайқаллаш жараёни.

2та Сайқаллаш жараёнининг асосий вазифаси эндоспермага ёпишиб қолган қобиқларни сайқаллаб ажратиб олинади. Навли ун помолини ишлаб чиқаришда сайқаллаш жараёнинг асосий мақсади қуйидагича: крупани эндосpermани оболочка қисмидан ажратиб олиб, уларни катталиги бўйича қисмларга ажратиб ун олишдан иборат.

Ун тортиш жараёни.

Ун тортиш жараёнининг вазифаси бойитилган махсулотларни майдалаб максимал миқдорда ун хосил қилиш ва қолган қолдиқларни ажратиш.

Ун тортиш жараёнида ёрма ва дунстларни майдаланиши 2-босқичда боради. Бунда ғадир-будур юзали валлар қўлланилиб, фақат охирги системаларда, яъни 11чи ун тортиш системаси юмилган валлар қўлланилади. Йирик заррачалар келадиган системаларда (1чи ва 2чи) валлар юзаси ғадир-будур юзали валлар қўйилган, қолган системаларда анча юмшоқ махсулот фракциялари юборилади. Бу технология жараёнининг доимийлигини таъминлайди.

“Вимол” жараёни.

“Вимол” жараёнда қобиқларда ёпишган эндосperm қолдиқларини, катта тезлиқда бичма ротор ёрдамида ажратади ва кепакка унни кетиб қолишидан сақлайди. “Вимол” машиналарга майдалаш системаларининг охирги системалардан келаётган “сход”лар келиб тушади.

Ун-Назорат жараёни.

Ноуораш жараёнида рассевга келаётган унларни навларга ажратади ва қолган системаларда элаклар тешилган, йиртилган бўлса, шу жараёнда назорат қилиб, олинади. Назорат жараёнида унларни сифати навларга қараб турлича бўлади. Назорат жараёнида хосил бўлган “ход” лар яна қайта майдалашга юборилади.

Технологик схемани танлаш ва асослаш

Маълумки, дон етишириш ва қайта ишлаш жараёнлари минглаб ийллар аввал аждодларимиз томонидан кашф этилган ҳамда бу борада ҳалқимиз бебаҳо тажрибаларни қўлга киритган. Шу қаторда ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаб, омихта ем ишлаб чиқариш саноати ҳам кенг суратда ривожланмоқда. Ун тегирмонларининг дон тозалаш бўлимларида:

- а) сепарациялаш;
- б) гидродинамик ишлов бериш (ГТИ);
- г) доннинг устки қатламига ишлов бериш;
- д) тортиладиган дон аралашмасини тайёрлаш.

Ун тортиш бўлимида:

- а) дон ва оралиқ яримтайёр маҳсулотларни майдалаш;
- б) майдаланган яримтайёр маҳсулотларни йириклигига ва сифатига кўра саралаш;
- в) ёрма дунстларни бойитиш;
- г). ёрма дунстларни майдалаш.

Технологик схемани ва ундаги босқичларни ун ишлаб чиқаришга қараб танланади. Малакавий битирув иши мавзусига кўра берилган ун ишлаб чиқариш бўйича “Қоида”га асосан хом ашё тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот бўлимларининг технологик схемаларини танладим.

Танланган технологик схемалар бўйича жарёнларни ташкиллаштириш ва бошқаришда қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш лозим:

Донларни қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлашда самарали операциялар ўтказиш, барча ускуналарнинг ишлаш режимига риоя қилиш, хом ашёни тайёрлашда дондан аралашмаларни унумли ажратиб олиш ва дозалаш жараёнини оптималлаштириш, аралаштиришда хом ашёларни тўғри туркумлаш ва назорат қилиш жараёнлари.

Тузилган технологик схемалар қуйидаги талабаларга жавоб бериши лозим:

- ўрнатилган ускуналар унумдорлигининг техник шароитларига ва технологик босқичларининг тавсия этиладиган кетма – кетлигига,
- ускуналарни схемада қабул қилишни шарт бўйича график тасвирланишига.

Хом ашё ва тайер маҳсулот тавсифи

Бугунги кунда ун тегирмонлари замонавий, юқори унумли ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, донларни стандарт талаблари асосида тозалаб, уларнинг таркибини ижобий томонга ўзгартиришга мослашган. Донлардан юқори «виход»ли ва сифатли ун олиш учун унларга маълум стандарт талаблари қўйилади.

Юқори сифатли ун ишлаб чиқариш учун доннинг дастлабки намлиги 13 % дан ошмаслиги ва бошқа навли унлар учун эса 14 % дан, оддий унлар учун 15 % дан ошмаслиги тавсия этилади.

Чўп-ҳас чиқиндиларининг миқдори 2 %, шулардан заарли чиқиндилар 0,2 % дан ошмаслиги керак ва бузилган донлар миқдори 1 % дан ошмаслиги тавсия этилади.

Дон чиқиндилари миқдори 5 % дан ошмаслиги керак, шундан буғдой 4 %, жавдар ва моғорлаган дон миқдори 3 % дан ошмаслиги зарур. Ун олинадиган донлар фузариоз касаллиги билан заарланмаган бўлиши керак.

Дон қисмлариниг таркибий миқдори, %

Дон қисмлари	дон	
	буғдой	жавдар
Эндосперм	74,0.....85,0	75,0.....79,0
Мева кобиғи	4,2.....6,3	4,8.....5,5
Уруғ қобиғи	3,1.....4,8	1,9.....2,8
Алейрон қатлам	6,0.....10,5	10,0.....13,0
Муртак	1,4.....3,1	3,4.....4,0

Жадвалдан кўринадики доннинг энг қимматбаҳо қисми – эндоспермсидир, донда эндосперм қисми қанча кўп бўлса, ундан шунча кўп ун олинади.

Ун – ишлаб чиқариш энг қадимги соҳа ҳисобланади. Ун қадим – қадимдан қимматбаҳо озиқ – овқат маҳсулоти сифатида қўлланилиб

келинган. У асосан буғдойдан шунингдек, жавдар, маккажүхори, гречиха, соя ва бошқа экинлардан олинади. Ун озиқ – овқат саноатида бекіёс күлланиладиган маҳсулот ҳисобланади. Ун новвойчиликда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун, қандолатчиликда ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хомашё сифатида кенг күлланилади.

Улар ичиде күлланилиши жихатидан буғдой уни биринчи ўринда, ундан сўнг жавдар уни туради.

Буғдойдан **5 ҳил** навда ун ишлаб чиқарилади, йирик (крупчатка), олий, биринчи, иккинчи ва жавдар унлар.

Йирик навли – унни асосан шаффоғлиги юқори бўлган юмшоқ ва қаттиқ буғдойлардан, чиқиш унуми 10% миқдор билан олинади. У бир –хил таркибли эндосперм зарраларидан иборт. У озиқ – овқат ва макарон маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади.

Олий навли – унни асосан шаффоғ ва яримшаффоғ бўлган юмшоқ буғдойлардан тайёрладани. Уннинг ранги оппоқ ёки қисман сарғиш тусли бўлади. Уннинг чиқиш унуми уч навли ун тортишда 10 – 15%ни, икки навли ун тортишда 30 – 45%ни ташкил этади.

Биринчи навли – сариқ тусли оқ рангга эга, унда қобиқ зарралари сезиларли миқдорда бўлади. Бир навли ун тортишда 72 – 75% чиқиш унуми билан 1-навли унни олиш мумкин. Бу ундан асосан нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланади.

Иккинчи навли – сариқ ёки кулранг тусли оқ рангга эга, унда қобиқ зарралари I-навли унга қараганда кўпроқ миқдорда учрайди.

Юқори навли буғдой унларидан тайёрланган нон маҳсулотлари хажмининг катталиги, мағизининг ғоваклиги ва рангининг оқлиги ҳамда юқорироқ энергетик қиймати (калориялиги) билан ажралиб туради. Аммо паст навдаги буғдой унларидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар менерал моддалар ва витаминларга, **алмашинмайдиган** аминокислотар ва тўйинмаган ёғ кислоталарига бой бўлганлиги туфайли юқори биологик қийматига эга бўлади.

Нон маҳсулотлари учун юмшоқ бүгдойдан ишилаб тайёрланадиган ун навлари.

Маҳсулот навлари:	Икки навли					
	75 %ли			78 %ли		
олий	-	-	-	40,0	-	-
биринчи	50,0	55,0	60,0	-	45,0	50,0
иккинчи	25,0	20,0	15,0	38,0	33,0	28,0
Иккинчи даражали маҳсулотлар:						
мучка	3,0	3,0	3,0	-	-	-
кепак	18,5	18,5	18,5	18,5	18,5	18,5
Чиқиндилар категорияси:						
биринчи ва иккинчи	2,8	2,8	2,8	2,8	2,8	2,8
Учинчи механк камайиш билан (дон ювилмаган тақдирда) жавдар ун	0,7	0,7	0,7	0,7	0,7	0,7
Жами:	100	100	100	100	100	100

Ун ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларнинг назарий асослари.

Ун-ёрма ва омихта ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш мураккаб технологик чизмалар ва бир қанча ихтисослашган жараёнлар асосида амалга оширилади. Барча жараёнлар комплекси (йифиндиси) икки гурӯхга бўлиниади:

- донларни тортишга тайёрлаш;
- ун-ёрма саноатида эса хом ашё ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш куйидаги жараёнлардан иборат:

Ун тегирмонларининг дон тозалаш бўлимларида:

- а) сепарациялаш;
- б) гидродинамик ишлов бериш (ГТИ);
- г) доннинг устки қатламига ишлов бериш;
- д) тортиладиган дон аралашмасини тайёрлаш.

Ун тортиш бўлимида:

- а) дон ва оралиқ яримтайёр маҳсулотларни майдалаш;
- б) майдаланган яримтайёр маҳсулотларни йириклигига ва сифатига кўра саралаш;
- в) ёрма дунстларни бойитиш;
- г). ёрма дунстларни майдалаш.

Ёрма заводларининг тайёрлов бўлимларида:

- а) сепарациялаш (чиқиндилардан тозалаш ва донларни катта-кичиклигига кўра ажратиш);
- б) ГТИ;
- в) гул кобиқли донларни оқлаш.

Оқлаш бўлимида:

- а) эндосперм (ядрони) оқлаш;
- б) оқланган ва оқланмаган донларни ажратиш;
- в) ёрмаларга сайқал бериш;
- г) ёрмаларни катта-кичиклигига кўра саралаш.

4.2. Дон аралашмаларини сепарациялаш назарияси.

Тайёрлов бўлимларининг асосий вазифаси корхонага келтирилган донларни чиқиндилардан тозалашдир. Бу жараённи сепаратор ускунаси бажаради. Бундан ташқари у донларни катта-кичиклигига кўра ажратиб беради, чунки ҳар хил катта-кичикликдаги донларни алоҳида технологик ускуналарда тозалаш катта самара беради. Шунинг учун ҳам сепаратор дон тозалаш щехининг энг асосий ускуналаридан ҳисобланади.

Дон аралашмасининг бўлинувчанлигини баҳолаш.

Дон аралашмаларини сепарациялашни ташкил қилишда уларнинг қуидаги бошланғич сифатларига асосланилади:

- а) доннинг геометрик тавсифи (ўлчами, шакли);
- б) аэродинамик ва гидротермик хусусияти;
- в) зичлиги, эластиклиги, ишқаланиш коэффициенти;
- г) магнит хусусияти, электрофизикавий хусусияти ва ҳоказо.

Агар дон тешиклари думалоқ бўлган элакларда эланса донлар энига кўра ажралади, узун тешикли элакларда эланса, донлар узунлигига кўра ажратилади. Донларни узунлигига кўра ажратиш триерлар ёрдамида амалга оширилади. Бошланғич дон аралашмаларини самарали сепарациялашда уларнинг бўлинувчанлик белгиларига аҳамият берилади.

Аралашма компонентларининг бўлинувчанлигини аниқлаш ва сепарациялаш режимини топиш учун вариация статистик таҳлил қилинади. Аралашма компонентлари билан биринчи марта эксперимент ўтказилганда донларнинг белгиларига асосланиб уларнинг горизонтал асосда бир-бирларига нисбатан қандай жойлашганлигига қараб вариация диаграммаси аниқланади.

Дон аралашмаларини шу тарзда таҳлил қилиб, уларни қайси тезлиқда чиқиндилардан ажратиб олишни аниқлаш учун доннинг катта-кичиклиги ва унинг оғирлигини аниқлаш керак.

Сепаратор ёрдамида дон аралашмасини А ва В компонентларга ажраташ керак. Элакнинг тешиклари диаметри 3,3 мм бўлганлиги учун «В»

компонент элак устида қолиб, «А» компонент чиқиндилар элакдан ўтиб кетади ва пастдаги элакка тушади. Донлар яна эланганда, «А» компонент элакдан ўтиб, А-В аралашманинг бир қисми иккинчи элак устида қолади. Бизга маълумки, «А» ва «В» компонентлар аралашмада турли вариация доирасида бўлиб, уларни узунлиги бўйича бутунлай ажратиб юбориш учун триер уялари ўлчами \varnothing 9,4 мм танлаш тавсия этилади. Натижада икки компонентли дон аралашмаларини юқоридаги технологик жараён ёрдамида икки фракцияга ажralади.

Дон аралашмаларини чиқиндилардан тозалаш ва унинг технологик сифатини яхшилашда унинг физик хусусиятларининг аҳамияти.

Қаттиқ жисмли тўкилувчан материалларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашда бир қанча кўрсаткичларга асосланади. Бу кўрсаткичлардан тўғри фойдаланиш муҳандиснинг олдига қўйган вазифасига боғлиқдир. Ун ва ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқаришда дон асосий хом ашё бўлганлиги учун, технологик жараённинг мазмуни қўйидаги кўрсаткичлардан самарали фойдаланишни талаб қиласди.

- доннинг геометрик тавсифи: катта-кичиклиги, сиртқи юзининг майдони, уларнинг нисбати, доннинг шакли;
- доннинг натура оғирлиги;
- 1000 та доннинг оғирлиги;
- доннинг шаффофлиги;
- доннинг салмоқ ҳажми ва зичлиги.

Доннинг геометрик тавсифи

Доннинг шакли ва унинг катта-кичиклигига қараб сепаратор, ҳаво сепаратори ва уларнинг ишчи қисмлари, триер ва майдаловчи, оқловчи ва ёрмаларни ажратувчи машиналарнинг технологик чизмалари аниқланади. Ҳажмларнинг нисбати ва доннинг сиртқи юзаси ГТИ жараёнларида муҳим аҳамиятга эгадир.

1 литр доннинг граммдаги оғирлиги доннинг натура оғирлиги деб аталади. Айрим давлатларда фунта (0,453 кг ёки бушелда) 35,1 деб қабул

қилинганды. Доннинг натура оғирлигига қуйидаги омиллар таъсир күрсатади: доннинг намлиги, йириклиги, шакли, ифлослиги. Бұғдой доннинг натура оғирлигі норма бўйича 750 г/л деб ҳисобланади. Доннинг натура оғирлиги 740 г/л дан паст бўлса, ун чиқиши 1% га камаяди.

1000 та буғдой доннинг массаси

Бу күрсаткич доннинг йириклиги, шаффофлиги, зичлигига боғлиқ бўлиб, доннинг технологик хусусиятига таъсир қиласади. Агар 1000 та буғдой доннинг оғирлиги 40 г дан ошиқ бўлса, уннинг чиқиши 3-5 % дан ортиқ бўлади.

Доннинг шаффофлиги

Дон тортиш жараёнида шаффоф дондан эндосперм қисми тез ажратилиб, ун сифати эса яхшиланади. Ун тортишда "помол" партиясининг шаклланиши учун шаффофлиги 50—60% бўлиши мақсадга мувофиқ.

Доннинг аэродинамик хусусияти

Дон аралашмаларидан турли енгил чиқиндиларни ажратишда вертикал ҳаво оқимидан фойдаланилади. Бу чиқиндиларга пишмай қолган дон, қобиқ, гул қобиғи, хашак, поя синиги каби енгил чиқиндилар киради.

Доннинг сиртки қатламига оқлаш ускунаси ёрдамида ишлов бериш.

Донга оқлаш ускуналари ёрдамида ишлов берилганда, уннинг юзасидаги кесакчалар майдаланиб, соқолчалари ишқаланиши натижасида камайиб, муртак қисми ҳам ажратилади. Доннинг устки қатламига ишлов бериш учун абразив юзали, машинадан фойдаланилади, уни дон тозалаш жараёнларидан ўтказилгандан сўнг чизмага киритилади. Чўткалаш машинасининг ишчи қисмлари 3-6 мм, бичевой барабаннинг айланиши эса 300-325 об/мин. га teng. Оқлаш машиналаридаги аспирация жараёни ва магнит ускуналари қоидада талаб қилингандек бўлиши керак. Чунки ишлов бериш жараёнида ажралган дон қобиқлари машина ичидаги тўпланиб қолиши мумкин. Магнит ускуналарини оқлаш машиналаридан олдин қўйиш турли хавфли ҳодисалар (ёнғин)нинг олдини олади.

Донларнинг сиртки қисмига дон ювадиган ускуна ёрдамида
ишлов бериш.

Донларга сув билан ишлов бериш учун намловчи (сувни пуркаб ва чанглатиб берувчи) ускуналар ишлатилади. Машиналарни ишлатиш вақтида қуидагиларга эътибор берилади:

- дон намлигини 0,1 дан 3,5 % гача кўтариш учун зарур бўлган сув сарфини ҳисоблаш;
- дон устки қисмининг бир текис намланиши.

Дон ювиш ускунасида қуидаги жараёнлар амалга оширилади:

- донни ювиш, унинг сиртки қисмини моғор, микроорганизмлардан тозалаш;
- турли ҳидларни кетказиши;
- минерал чиқиндилардан тозалаш;
- енгил органик чиқидилардан тозалаш;
- донни соқолидан тозалаш ва мева қобигини ажратиш;
- донни сувсизлантиришда фойдаланилган сувни табиий ҳолда чиқариб юбориш;
- механик-центрифуга ёки аэродинамик усулда доннинг намлиги-ни камайтириш.

Бу машинани, асосан, навли унлар тортиш учун дон тозалайдиган цехда донни димлаш олдидан қўйилади.

Майдалаш жараёнининг асосий вазифалари.

Майдалаш жараёни турли соҳаларда кенг қўлланилади. Қаттиқ жисмдан маълум йириклиқдаги тўкилувчан заррачали материал олиш учун турли усуллар билан майдаланади.

Қаттиқ жисмни майдалаш икки хил усулда амалга оширилади:

- а) оддий майдалаш усули;
- б) танлаб олиш усули билан майдалаш.

Агар майдаланадиган маҳсулотнинг кимёвий таркиби ва унинг

қисмлари бир хил механик тузилишга эга бўлиб, майдаланганда маълум йириклиқдаги бир хил тўкилувчан масса олинса, бу оддий майдалаш усули деб аталади.

Донларни тортишга тайёrlашда уларнинг анатомик ва механик тузилишини ҳисобга олиш, бугдой ва жавдари донларга гидротермик ишлов бериш натижасида уларнинг эндосперм ва қобиқлари бир-биридан осон ажralади. Турли навли ун олишдан асосий мақсад дондан эндоспермни максимал даражада ажратиб, қобиғини эса майдаламасдан олишdir. Шунинг учун турли навли ун олишда, танлаб олиш ва майдалаш усули қўлланилади.

Агар майдаланувчи қаттиқ жисмнинг кимёвий таркиби ва механик тузилиши бир хил бўлмасдан, унга турли кучлар таъсир этиши натижасида турли кимёвий сифатли ва ҳар хил ўлчамдаги заррачалар олинса, бу танлаб олиш усули билан майдалаш деб аталади. Бунга эришиш учун бир маротаба майдалаш етарли эмас, бу жараён бир неча марта қайтарилади, ҳар сафар аралашмани элаб, майда-йириклиги бўйича бир хил бўлган заррачаларга эга бўлган фракцияга ажратиб олинади. Бу ун тортиш тизимида асосий усул ҳисобланади.

Майдаланадиган дон аралашмаларини тузиш, доннинг технологик

хусусиятларини барқарорлаш усулидир.

Доннинг хусусияти асосан экин майдонларида ўсиш даврида шаклланиб, унинг тури, нави, қайси вилоят ва туманларда етиштирилишига боғлик. Донлар йиғишириб олингандан сўнг, уларнинг бу хусусиятлари турли омиллар (траспортировка, қуритиш ва бошқа жараёнлар) таъсирида ўзгара бошлайди. Булар тегирмонга келтирилган дон партияларининг сифат кўрсаткичларни ўзгартириб юборади.

Доннинг турли хусусиятлари ва технологик таркибини ўзгартириш ва оптималлаштириш учун барча ускуна ва аппаратларни янгидан созлаш керак бўлади. Бу ишларни юқори самара билан амалга ошириш учун тозалаш цехига келтирилган дон талабга жавоб берадиган сифатга эга бўлиши талаб этилади.

Доннинг хусусиятларини барқарорлаш, технологик жараёнларни автоматлаштиришга имконият туғдиради. Бу барқарорликка ГТИ ва турли сифатга эга бўлган донлардан майдаланадиган аралашмалар тузиш орқали эришиш мумкин. Майдаланадиган дон партияси кўрсаткичларини олдиндан билиш учун дон аралашмалари компонентлари танлаб олинади. Майдаланадиган дон партиясини шакллантиришда «кучли» буғдойларни иқтисод қилиб, сифати паст донлардан унумли фойдаланилади. Дон аралашмаларини ташкил этишда уларнинг таркибидаги донларнинг шаффофлиги ва кул моддасининг ўртача кўрсаткичи ҳисоб-китоблар орқали олдиндан аниқланади. Тайёр маҳсулотнинг кўрсаткичлари стандарт талабларига жавоб бериши керак, бу майдаланадиган дон партиясини тузишнинг асосий вазифасидир.

Саралаш жараёнининг асосий вазифаси.

Майдаланган дон маҳсулотларини саралаш ун ва ёрма ишлаб чиқариш технологиясида энг муҳим жараёnlардан ҳисобланади.

Ун тортиш жараёнида валли дастгоҳда майдаланган дондан ҳосил бўлган ёрмалар йириклиги бўйича бир-биридан кескин фарқ қиласи. Бу эса уларга ишлов беришни қийинлаштиради. Жараёnlарнинг самарадорлиги технологик системалар, совуриш-элаш дасгоҳлари, уларнинг гранулометрик таркибининг тавсифига боғлиқ. Ёрмаларнинг йириклиги баравар бўлса, системадаги жараёnlарни тартибга солиш осон кечади. Бундан ташқари, уларни йириклиги бўйича фракцияларга ажратишда ёрмаларнинг асллик сифатлари ҳам ҳисобга олинади. Ун ва қўшимча маҳсулот бўлган кепак элак ёрдамида сараланади.

Ёрма саноатида донга ишлов бериш ва ҳосил бўлган маҳсулотни элаш жараёнида ёрма ва кепак ажратиб чиқади. Ёрмага ишлов ва сайқал беришда ҳосил бўлган маҳсулотлар йириклиги бўйича номерларга бўлинади.

Жараёnnинг асосий вазифаси.

Рассевларда ажратилган майдаланган буғдой, ёрма фракциялари

геометрик ўлчамлари жиҳатидан бир хил. Лекин айрим заррачалар бир-биридан аслик сифатлари ёки эндосперм миқдори билан фарқ қиласи. Агар майдаланиш жараёнидаги дон заррачаси крахмалли эндоспермдан ташкил топган бўлса, унда кул моддаси камроқ бўлган ёрмадан иборат бўлади. Агар заррача доннинг юқори, яъни алайрон қатлами, ҳатто дон қобигидан олинган бўлса, бундай ёрмаларда кул моддаси кўпроқ бўлади.

Майдалангандан бугдой ёрмалар массасида муртак заррачалари ҳам бўлиши мумкин. Ана шу турли сифатли аралашмалардан тоза эндосперм заррасини ажратиб олиб, юқори сифатли ун ишлаб чиқариш асосий вазифа ҳисобланади. Бу масалани совуриш-элаш жараёни ҳал қиласи.

Ун тортишда ёрмаларга сайқал бериш.

Сайқал бериш системасининг асосий вазифаси эндосперм заррачалари ва қобиқли ёрма заррачаларини бутун ҳолда қолдириш. Бу жараёнда 1 см вал доирасида 10- 12 рифлилар ёки юзаси майда ғадир-будирли валлардан фойдаланилади. Бу усулда юқори даражада ун олиш тартибини сақлаб, 10-15 %дан ортиқроқ маҳсулот олинади. Бу жараён 26-расмда берилган.

1 с.с. (сайқалловчи система) дан сўнг маҳсулотлар – 1-чизмали рассевларда эланади. Унинг юқориги «сход»лари III др.м. га 2 ва 3 «сход»лари ва рассевнинг пастки элакларидаги дунстлар эса турли майдалаш системаларига юборилади.

Ун тортишнинг асосий жараёнини ташкил қилиш.

Ун тортиш жараёнида, майдалангандан сараланган ва сайқалланган, бойитилган ёрма ва дунстлар майдаланади. Бу жараён 10-12 та ун тортиш системаларида амалга оширилади. Серияли ускуналар билан жиҳозланган кўп навли ун тортиш технологик чизмаси 27-расмда берилган.

Расмда берилаётган ун тортиш жараёни 9 та майдалаш ва битта «сход» системадан тузилган. Барча системаларда ёрмаларни майдалаш рифлили валларда амалга оширилади. 1 у.т. ... 8 у.т. системаларда 27- расмда 9 у.т. да эса 2-чизмали рассев қўлланишининг сабаби унинг юқориги

«сход»ларидан йирик қобиқ заррачаларини ажратиб олиш. «Сход» системада ҳам 2-чи чизмали рассев қўлланади.

1 у.т. - 4 у.т. системаларидан «сход» маҳсулотлари «сход» системасига маҳсус режимда ишлов бериш учун юборилади. «Сход» шу системадан жараённинг охиридаги 8 у.т. га юборилади. 5 у.т. ва 6 у.т. «сход»лар 7 у.т. га, ундан сўнг 8 у.т. ва 9 у.т. га юборилади. Шу билан жараён тугаб, 9 у.т. даги «сход»лар кепак моддага айланиб, чиқиб кетади.

Унумдорлиги $Q_T=295 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлган тегирмоннинг дон тозалаш бўлими ускуналарини ҳисоблаш ва танлаш.

Тегирмоннинг дон тозалаш бўлимидаги ускуналарни хисоблаш ва уларни танлашда дон тозалаш бўлимининг иш кувватини ун тортиш булимидагига нисбатан 20% ортик килиб олинади ёки

$$Q_{d,t} = K * Q_t$$

Бу ерда: $Q_{d,t}$ - дон тозалаш бўлимининг иш қуввати (т/с).

K - захира коэффициенти, $K=1,2$.

Q_t - ун тортиш булимининг иш қуввати (т/с).

Ускуналарни танлашда иккита оким (юкори ва паст шаффоффликдаги донлар) учун хисоблар параллел олиб борилади. Бунда тегирмоннинг бир суткадаги қуввати - 240т/с бўлганда, дон тозалаш бўлимининг қуввати

$$Q_{d,t}=1,2*295= 354 \text{ т/с га teng бўлиб, 1 соатдаги оқими эса}$$

$$\frac{Q_{qm}}{24c} = \frac{354}{24} \equiv 15t / \text{soat}$$

Хамбалар хажми ва сонини хисоблаш тартиби.

Корхона 30 соат давомида узлуксиз ишлаб туриши учун тозаланмаган юкори шаффоффликдаги донга нисбатан хамба (закрома)нинг хажмини хисоблаш керак.

Хамбанинг хажми (т):

$$E = \frac{Q_m * t}{24} = \frac{354 * 30}{24} = 442 \text{ т}$$

бу ерда: t - доннинг сақланиш муддати, $t=30$ с;

унда унинг хажми (м^3)

$$V = \frac{E}{Y * k_q} = \frac{442}{0,75 * 0,85} = 694 \text{ м}^3$$

бу ерда: Y - дон массасининг хажми, буғдой дони учун $Y=0,75 \text{ т/м}^3$;
 k_q - хамбани тўлдириш коэффициенти бўлиб, у 0,85 га тенг.

Хамбанинг баландлигини $h=9,6$ м (иккита кават) деб олиб, унинг умумий майдонини (м^2) аниклаймиз:

$$F = \frac{v}{h} = \frac{694}{9,6} = 72 \text{ м}^2$$

Хамбаларнинг квадрат кесими томонларининг ўлчами 3 м деб олинса, унинг майдони қуидагича бўлади:

$$F_1 = 3*3 = 9 \text{ м}^2;$$

бу холда хамбаларнинг сони:

$$n_q = \frac{F}{F_1} = \frac{72}{9} = 5,4 \approx 6 \text{ та}$$

Хамбалар сонини шартли равишда 6 та деб оламиз.

Автомат тарозининг иш унумдорлигини хисоблаш ва танлаш.

Одатдаги ишлаш режимида автомат тарози донларни бир минут оралигига 3 марта тортади. Тарозининг иш кобилияти (кг/мин) куйидаги формула оркали аникланади:

$$Q_m = \frac{295 * 1000}{24 * 60} = 210 \text{ кг/мин.}$$

Маълумотномадан куринаидики автомат тарози ковуши (чумичи) нинг хажми 20, 50 ва 100 кг. Автомат тарози бир минутда 3 маротаба тортишга мулжалланган булиб, бунда тарозининг иш кобилияти кг/с га тенг. Автомат тарози ковушининг хажми 100 кг бўлса, минутига $n=100 \times 3 = 300$ кг тортади. Унда битта автомат тарози қабул килиниб, унинг ковуши хажми 100 кгга (русумли D- 100-3 Э) тенг бўлиши керак.

Дон массасини енгил, йирик ва майда чикиндилардан тозалаш учун сепаратордан биринчи ўтиш сонини ҳисоблаш керак, у куйидаги формула билан аникланади:

$$n_c = \frac{Q_{qt}}{q_{mk}};$$

бу ерда: Q_{qt} - дон тозалаш бўлимида бир соатда тозаланадиган дон массасининг хажми, т/соат.

q_c - ускуналарнинг бир суткадаги унумдорлиги, т\с.

У ҳолда сепаратор ускунасинингсони қуйидагига тенг:

$$n_c = \frac{15}{12} = 1 \text{ та}$$

Хисоб бўйича 1 тадан А1-БИС-12 русумли сепаратори қабул қилинади.

Дон массасида юкорида кайд этиб ўтилган чикиндилардан ташқари минерал моддалар хам бўлиб, улар тош ажратувчи ускуна ёрдамида ажратилади. Унинг унумдорлиги 9 т/соатга тенг, у ҳолда;

$$n_c = \frac{15}{9} = 1,6$$

Хисоб бўйича 2 та РЗ-БКТ русумли тош ажратувчи ускуна ўрнатилади.

Дон массасидаги ёввойи ўт уруғлари ва бошқа турли майда чикиндиларни кукол ажратувчи А9-УТК-6 ускунаси ёрдамида тозаланади. Шунинг учун чизма асосидаги кукол ажратувчи ускунанинг иш кобилияти қуйидаги формула оркали аникланади:

$$n_k = \frac{15}{6} = 2 \text{ та}$$

Хисоб бўйича 2 та ускуна қабул қилинади.

Худди шу усулда овсюг, сули, арпа ва дондан узун булган чикиндиларни овсюг ажратувчи А9-УТО-6 ускунаси ёрдамида тозалаш қабул қилинади.

$$n_k = \frac{15}{6} = 2 \text{ та}$$

Хисоб бўйича 2 та ускуна қабул қилинади.

Дондан кичик зичлиги билан фарқ қилувчи аралашмаларни А1-БЗК русумли концентратор ускунаси ёрдамида ажратиш учун кабул килинади. А1-БЗК 9(18) ускунасининг унумдорлиги 6,3 (12) т/соатга тенг.

У ҳолда унинг сони

$$n_k = \frac{15}{12} = 1 \text{ та}$$

Хисоб буйича 1 та ускуна қабул қилинади.

Дон массасидаги металлмагнит аралашмалардан тозалаш учун магнит сепаратор У1-БМП-01 сонини аниклаймиз.

$$n_k = \frac{15}{11} = 1 \text{ та}$$

Хисобга кўра зарур жойга ускуналардан олдин 1 тадан У1-БМП-01 русумли магнит сепаратор танлаймиз.

Донларнинг устки кисми қуруқ ишлов бериш учун дон оқловчи Р3-БМО-6 ускунасига юборилади. Р3-БМО-6 ускунасининг унумдорлиги 6 т/соатга тенг.

$$n_k = \frac{15}{6} = 3 \text{ та}$$

Хисоб буйича 3 та ускуна қабул қилинади.

Енгил аралашмалардан тозалаш учун қўлланиладиган Р3-БАБ ҳаво сепаратори хисоби

$$n_k = \frac{12}{9} = 1,3 \approx 1 \text{ та}$$

Хисоб буйича 1 та ускуна қабул қилинади.

Донларнинг устки кисми ва "сокол"ларига ёпишиб колган чанг, лой ва микроорганизмларни тозалаш учун дон юувучи Ж9-БМА ускунасига юборилади. Ж9-БМА ускунасининг унумдорлиги 10 т/соатга тенг.

$$n_k = \frac{15}{10} = 1,5 \text{ та}$$

Хисоб буйича 2 та ускуна қабул қилинади.

Намланган донларни димлаш учун хамба (закром) ларнинг хажми хисоб оркали топилади. Дон партияси учун 1 - димлаш вакти 16 соат деб қабул килиниб, димланадиган хампа (закрам) лар хажми (т) хисоблаб топилади:

$$E = \frac{Q_r * 16}{24} = \frac{295 * 16}{24} = 196 \text{ т}$$

ва унинг хажми (m^3) куйидагича аникланади:

$$V^1 = \frac{E^1}{Y * k_q} = \frac{196}{0,75 * 0,85} = 308 \text{ m}^3$$

Хампаларнинг баландлигини $h = 9,6 \text{ м}$ (икки кават) деб қабул килиб, умумий майдонни (m^2) аниклаймиз:

$$F^1 = \frac{V^1}{h^1} = \frac{308}{9,6} = 32 \text{ м}^2$$

Хампаларнинг квадрат кесим томонларининг улчамлари 3м деб олинса, унинг майдони (м^2) куйидагича булади:

$$F^1 = 3 * 3 = 9 \text{ м}^2$$

хампаларнинг сони:

$$n^1_q = \frac{F^1}{F^1_1} = \frac{26}{9} = 3 \text{ та}$$

Хисобларга асосланиб, Зта хамба кабул килинади.

Биринчи димланган донни хампадан дозатор ва шнек оркали норияга тушириб, сўнг РЗ-БКШ-315 ускунасига юборилади.

Иккинчи димлаш муддати б соат деб кабул килиниб, уларнинг хажмлари т да топилади.

$$E'' = \frac{Q_T t}{24} = \frac{295 * 6}{24} = 115 \text{ м}$$

ёки хампалар хажми (м^3) куйидагича топилади:

$$V'' = \frac{E''}{Y * k_3} = \frac{115}{0,75 * 0,85} = 186 \text{ м}^3$$

Хампанинг баландлигини $h''=9,6$ м деб олиб, унинг майдони (м^2) хисоблаб топилади:

$$F'' = \frac{V''}{h''} = \frac{186}{9,6} = 19,8 \text{ м}^2$$

Хамбаларнинг майдонлари $3 * 3 = 9 \text{ м}^2$ булса, уларнинг сони куйидагича аникланади:

$$n''_q = \frac{19,8}{9} = 2 \text{ та}$$

Хисоб буйича хампа (закрома) 2 та деб кабул килинади.

Донларнинг устки кисмига ишлов бериш учун дон оқловчи РЗ-БМО-12 ускунасига юборилади. РЗ-БМО-12 ускунасининг унумдорлиги 12 т/соатга тенг.

$$n_k = \frac{15}{12} = 1 \text{ ма}$$

Донларнинг зааркурандалардан тозалаш учун РЗ-БЭЗ ускунасига юборилади. 15 т/соатга тенг.

$$n_k = \frac{15}{15} = 1 \text{ ма}$$

Донларни оклаш ва уларга қўшимча нам бериш учун А1-БМШ ускунасидан фойдаланилади, унинг иш унумдорлиги 5 т/соатга тенг, шунинг учун иккала окимга биттадан ускуна кабул килинади.

$$n_k = \frac{15}{5} = 3 \text{ та}$$

Хисоб буйича 3 та ускуна қабул қилинади.

Енгил аралашмалардан тозалаш учун қўлланиладиган Р3-БАБ ҳаво сепаратори ҳисоби

$$n_k = \frac{15}{9} = 1 \text{ та}$$

Донларни оклаш ва уларга қўшимча нам бериш учун А1-БШУ ускунасидан фойдаланилади, унинг иш унумдорлиги 12 т/соатга тенг, шунинг учун иккала окимга биттадан ускуна қабул қилинади.

$$n_k = \frac{15}{12} = 1 \text{ та}$$

Хисоб буйича 1 та ускуна қабул қилинади.

Донлар ҳаво окими таъсирида ва ускуналардаги турли харакатлар жараёнида бирламчи намлигини йукотади. Йукотилган намликни кайтадан тиклаш учун дон массасига 0,5% гача намловчи шнекларда намлик бериб бункерда 30 минут сакланади. Бу эса доннинг мева ва уруғ қобиқлари юмшаб, тез ажралиб кетишига имкон беради. Бундан сўнг 1- дон майдалаш система ускунасидан олдин келаётган дон массасини 1 соатлик окимига караб хамбани ҳисоблаб куйилади.

Дон массасининг I майдалаш (драной) система олдидан димлаш учун ҳампани ҳисоблаш.

Ҳампа юмалоқ кесимда бўлиб унинг баландлиги $h_x = 2$ м, диаметр эса $d_x = 1,5$ м бўлганда битта ҳампанинг ҳажми эса қўйидаги формула билан топилади:

$$V_x = \frac{\pi * d^2 x * \gamma * K * g}{4} = \frac{3,14 * 1,5^2 * 2 * 0,75 * 0,85}{4} = 2,25 \text{ м}^3$$

У ҳолда ҳампанинг сони:

$$nx = \frac{Q * t}{24 * Vx} = \frac{230 * 0,5}{24 * 2,25} = 1$$

бу ерда: t-донни димлаш вақти $t = 0,5$ соат.

Ҳампалар сони 1 та деб олинади.

6. Автомат тарозини ҳисоблаб танлаш.

I майдалаш (драной) системани олдидан чўмичнинг (ковуш) ҳажми 100 кг га тенг бўлган автомат тарози ўрнатилади (ҳисоблар юқорида берилган). Дон массаси магнит сепаратордан ўтиб сўнг I майдалаш жараёнига юборилади.

Тегирмоннинг дон тозалаш бўлимидағи чиқиндилар билан ишлаш.

“қоида”га асосланиб дон массасининг дон тозалаш бўлимида тозалаш жараёнида умумий тозаланаётган дон массасига нисбатан 3,5% миқдорда дон ва ифлос чиқиндилар ажралади

ёки

$$295 - 100\%$$

$$X - 3,5\%$$

$$X = \frac{295 * 3,5}{100} = 10,3 \quad \text{т/сга тенг.}$$

295 - дон тозалаш тегирмонининг унумдорлиги, т/с.

Бир кечада кундузда (суткада) 10,3т чиқинди (I,II ва III-категория) ҳосил бўлади.

**Унумдорлиги $Q_T=295$ т/с бўлган тегирмоннинг ун тортиши бўлими
ускуналарини хисоблаш ва танлаш.**

Валецли станокнинг янчиш йулинни хисоблаш.

Берилган нормага асосланиб, бир суткада уч навли ун ишлаб чикариш учун валецли станокнинг 1 см майдалаш йулига 98 кг солиштирма юклама кабул килинади. Бу холда барча майдалаш йули қуйидаги формула билан топилади:

$$L = \frac{Q_m}{q}; \text{cm}$$

Бу ерда: Q_m – тегирмоннинг унумдорлиги, т/с да:

q – валецли станокнинг майдалаш йулига берилган солиштирма юклама, кг да

Бу холда унумдорлиги 230 т/с га teng бўлган тегирмоннинг барча валецли майдалаш йуллари:

$$L = \frac{295 * 1000}{98} = 3000 \text{ см}$$

Майдалаш дастгохининг йулларини L_1 ва ун тортиш йулларини L_2 , уларнинг нисбатини 1: 1 деб олинса, майдалаш системасининг валецли йули узунлиги қуйидагича аникланади:

$$L_1 = \frac{L}{2,5} = \frac{3000}{2,5} = 1200 \text{ см}$$

ундан сунг ун тортиш йуллари L_2 ва сайкалловчи системаларнинг валецли йуллари аникланади:

$$l_2 = L - l_1 = 3000 - 1200 = 1800 \text{ см}$$

Маълумки, хар бир майдалаш системасига келиб тушадиган аралашмаларнинг микдори турлича булгани сабабли, уларнинг валецли йуллари алоҳида-алоҳида хисобланади. Жараёнлар бўйича валецли йулларнинг таксимланиши 1- жадвалда берилган.

Системалар бўйича валецли йулларнинг таксимланиши

1-жадвал

Системалар	Системалар бўйича таксимлаш, %	Валецли йўлнинг системалар бўйича хисоби, см	Дастгох лар сони	Валлар-нинг ўлчамлари, мм	Қабул килинган валецли йўллар, см
I майд.с.	26	1200*26/100=312	1,5	1000x250	300
II майд.с.м.	18	216	1,0	1000x250	200
III майд.с.й.	16	192	1,0	1000x250	200
III майд.с.м.	8	96	0,5	1000x250	100
IV майд.с. й.	16	192	1,0	1000x250	200
IV майд.с. м.	8	96	0,5	1000x250	100
V майд.с.	8	96	0,5	1000x250	100
Майд. сист. бўйича жами	100	1200	6	1000x250	1200
1-сайқ.с.	11	1800*10/100=198	1,0	1000x250	200
2- сайқ.с.	6	108	0,5	1000x250	100
1-ун.торт.	11	198	1,0	1000x250	200
2- ун.торт.	11	198	1,0	1000x250	200
3- ун.торт.	11	198	1,0	1000x250	200
4- ун.торт.	11	198	1,0	1000x250	200
5- ун.торт.	6	108	0,5	1000x250	100
6- ун.торт.	6	108	0,5	1000x250	100
7- ун.торт.	6	108	0,5	1000x250	100
8- ун.торт.	6	108	0,5	1000x250	100
9- ун.торт.	5	90	0,5	1000x250	100
10- ун.торт.	5	90	0,5	1000x250	100
11- ун.торт.	5	90	0,5	1000x250	100
Ун тортиш жараёни бўйича жами	100	1800	9,0	1000x250	1800
Жами		3000	15	1000x250	3000

Хисоб бўйича 15 та А1-БЗН русумли валецли ускуна оламиз.

Аралашмаларнинг эланувчи юзасини хисоблаш

Берилган ун нави учун норма асосида ЗРШ-4М русумли рассевнинг 1 м^2 юзасига 970 кг/ сутка солиштирма юклама кабул килинади. Унда барча аралашмаларни система асосида элаш юзасини (бунга назорат килиш юзаси хам киради) куйидаги формула билан топилади:

$$F_{\text{ж}} = \frac{Q_{\text{н}}}{q}; \text{ м}^2$$

Бу ерда: $q=1 \text{ м}^2$ эловчи юзанинг солиштирма юкламаси, кг. Унда унумдорлиги 240 т/с бўлган тегирмоннинг барча элаш юзаси

$$F_{\text{ж}} = \frac{295 * 1000}{970} = 238 \text{ м}^2$$

Унни назорат килиб туриш учун барча эловчи юзадан 10-12 % олинади, бу холда

$$F_{\text{н}} = \frac{238 * 14}{100} = 33,32 \approx 34 \text{ м}^2$$

Майдаловчи, сайкалловчи ва аралашмани майдаловчи ун тортиш (размол) системаларда хосил булган унларни эловчи юзаларни куйидаги формула оркали топилади.

$$F^1 = F_{\text{ж}} - F_{\text{н}} = 238 - 34 = 204 \text{ м}^2$$

Майдалаш системасининг эловчи юзасини f_1 , ун тортиш ва сайкаллаш системаларининг эловчи юзасини f_2 деб белгилаб, уларнинг нисбатини 1: га тенг деб олиниб, майдалаш системасининг элаш юзасини куйидагича топамиз:

$$f_1 = F^1 : 2,1 = 204 : 2,0 = 102 \text{ м}^2$$

Шундан сунг ун тортувчи ва сайкалловчи системаларнинг эловчи юзаларини топамиз:

$$f_2 = F^1 - f_1 = 204 - 102 = 102 \text{ м}^2$$

Системалар бўйича эловчи юзаларнинг таксимланиши -жадвалда берилган.

Системалар бўйича эловчи юзаларнинг таксимланиши

-жадвал

Система	Систе- малар бўйи- ча бўли- ниши, %	Системаларнинг хисобий элаш юзалари, м ²	Рассев- секция- лари-нинг сони	Битта рассев- нинг элаш юза, м ²	Қабул қилинган элаш юзаси, м ²
I майд.с.	17	102*17/100=17,34	4/6	25,5	17
II майд.с.м.	12	12,24	3/6	25,5	12,75
III майд.с.й.	8	8,16	2/6	25,5	8,5
III майд.с.м.	5	5,1	1/6	25,5	4,25
IV майд.с. й.	8	8,16	2/6	25,5	8,5
IV майд.с. м.	4	4,08	1/6	25,5	4,25
V майд.с.	5	5,1	1/6	25,5	4,25
1-сарапаш с.	8	8,16	2/6	25,5	8,5
2-сарапаш с.	5	5,1	1/6	25,5	4,25
3-сарапаш с.	4	4,08	1/6	25,5	4,25
4-сарапаш с.	4	4,08	1/6	25,5	4,25
5-сарапаш с.	4	4,08	1/6	25,5	4,25
6-сарапаш с.	4	4,08	1/6	25,5	4,25
элаш	4	4,08	1/6	25,5	4,25
элаш	4	4,08	1/6	25,5	4,25
Вимол ускунасидан сўнг элаш	4	4,08	1/6	25,5	4,25
Майдалаш системаси бўйича жами	100	102	24/6	25,5	102

1-сайқ.с.	16	102*16/100=16,32	4/6	25,5	17
2- сайқ.с.	8	8,16	2/6	25,5	8,5
1-ун.торт.	16	16,32	4/6	25,5	17
2- ун.торт.	12	12,24	3/6	25,5	12,75
3- ун.торт.	8	8,16	2/6	25,5	8,5
4- ун.торт.	8	8,16	2/6	25,5	8,5
5- ун.торт.	5	5,1	1/6	25,5	4,25
6- ун.торт.	5	5,1	1/6	25,5	4,25
7- ун.торт.	5	5,1	1/6	25,5	4,25
8- ун.торт.	5	5,1	1/6	25,5	4,25
9-ун.торт.	4	4,08	1/6	25,5	4,25
10-ун.торт.	4	4,08	1/6	25,5	4,25
11-ун.торт.	4	4,08	1/6	25,5	4,25
Ун тортиш жараёни бўйича жами	100	102	24/6	25,5	102
Жами	100	204	48/6	25,5	204
Унларни назорат қилиш о/навли ун		34*25/100=8,5	2/4	17	8,5
1навли ун		34*50/100=17	4/4	17	17
11навли ун		34*25/100=8,5	2/4	17	8,5
Жами	100	34	8/4	17	34

Ҳисоб-китобларга асосланиб, майдалаш жараёни учун 4 та рассев; ун тортиш жараёни учун 4 та рассев ва унларни назорат қилиш учун 2 та рассеви ва жами 8 та ЗРШ-6М, 2 та ЗРШ-4М рассеви танланади, уларнинг умумий элаш юзаси 238 м^2 деб қабул қилинди.

“Вимол” ускуналарини ҳисоблаш ва танлаш

«Вимол» ускуналарини ҳисоблашда уларга тушаётган асл юкламанинг ун баланси асосида ва ускуналарнинг унумдорлигига асосланилади.

А1-БВГ «вимол» ускунасининг унумдорлиги элакнинг номер ўлчамларига асосланиб унумдорлиги, т/соат 0,9..1,6 т/с га тенг.

БМ-1 ускунасига юклама $Q = 18\dots20\%$, БМ-2 – 14..16% ,
БМ-3 - 7..9% га тенг деб олинади

$$\text{БМ-1. } Q_1 = \frac{295 * 20}{100 * 24} = 2,5$$

$$\text{БМ-2 } Q_1 = \frac{295 * 15}{100 * 24} = 1,8$$

$$\text{БМ-3 } Q_1 = \frac{295 * 9}{100 * 24} = 1$$

У ҳолда, ускуналар сони:

$$\text{БМ-1 } \frac{Q_1}{Qq_1} = 2,5/0,9=3$$

$$\text{БМ-2 } \frac{Q_2}{q_2} = 1,8/0,9= 3$$

$$\text{БМ-3 } \frac{Q_3}{q_3} = 1/0,9=1$$

Ҳисоб бўйича 7та А1-БВГ русумли вимол ускунаси оламиз.

Асосий ускуна РЗ-БКТ тошажратиши машиналари

РЗ-БКТ русумли тошажратиши машиналарининг асосий конструктив элементлари бўлиб тебранма стол, қабул ва чиқариш мосламалари, сўрувчи диффузор, титратгич ва синч ташкил қиласди.

Машинанинг тебранма столи рама (26)дан ташкил топган бўлиб, рамага ўз навбатида дека маҳкамланган. Унинг асоси бўлиб тешик ўлчамлари $1,5 \times 1,5$ мм ли металл тўрдан ясалган ҳаво ўказувчан саралаш юзаси хизмат қиласди. Тўр остига тешик диаметри 3,2 мм бўлган ҳаво текисловчи таглик ўрнатилган. Тебранма стол корпус (8) ёрдамида зич қилиб ёпилган. Тебранма стол таянч плитаси (20)га қотирилган маҳсус оёқчалар (18, 21, 25) устига қия қилиб ўрнатилган.

Тебранма столнинг қуи қисми бир-бирига 90° бурчак остида жойлашган жуфт цилиндрсизмон кўринишдаги пружиналар (19) билан туташтирилган. Тебранма столнинг юқори қисми оёқча (25)га таянади. У шарнир ёрдамида штурвалли механизм (24) билан боғланган бўлиб, бу механизм ёрдамида тебранма столнинг қиялик бурчаги 5 дан 10° гача бўлган оралиқда созланади. Вибростолнинг узатилма-қайтма ҳаракати титратгич (14) ёрдамида амалга оширилади. У валининг устига дебаланс - юклари (12) ўрнатилган электродвигателдан ташкил топган. Титратгич деканинг таянч рамасига уланган вибросозлагич валининг ўртасига қотирилган. Тебранма столнинг тебраниш йўналиши титратгични вибросозлагичга нисбатан верикал ва горизонтал текисликлар бўйича силжитиб иши тўғриланади.

Суриш мосламаси тебранма стол корпусида вакуум ҳолатини юзага келтиради. У резинали газламадан эгилувчан аспирацион енг (31) шаклида ясалган бўлиб бир томондан аспирация қувури (1) ва иккинчи томондан эса корпус (8) га улангандир. Қувур (1) даги ҳаво оқимининг тезлиги доирасизмон текис тўсгич (2) ёрдамида тартибга солинади. Маҳсус маҳовикча ёрдамида тўсгич ўз ўки атрофида 90° га бурилиши мумкин. Қувурбоши (1) иккита оёқча (21) ёрдамида таянч плитаси (20) га маҳкамланади.

РЗ-БКТ-150 машинаси РЗ-БКТ-100 машинасига нисбатан энлироқ ва шунинг учун ҳам декасининг майдони каттароқ, аммо ундан бошқа томонлари билан фарқ қилмайди.

РЗ-БКТ-150 русумли тошажратиш машинаси. Бу машина ҳам ўзининг тузилиши бўйича РЗ-БКТ-100 машинасига ўхшаш. Баъзи бир конструктив элементлари, жумладан: корпус шакли, синчи, тебранма столнинг қиялик бурчагини созлаш механизми, габарит ўлчамлари бироз тафовутга эга.

Тошажратиш машиналарида технологик жараён қуйидагича кечади. Қабул қилиш мосламасидан дон аралашмаси тақсимлагичнинг турли юзасига тушади, ҳаво билан пуфланади ва иккита teng оқим ҳосил қилиб деканинг саралаш юзаси бўйлаб тақсимланади. Шу ерда дон ва минерал аралашмаларнинг бир-биридан ажралиш жараёни бўлиб ўтади. Натижада минерал аралашмалар деканинг юқори қисмига томон ҳаракатланиб, машинадан чиқарилса, тозаланган дон эса нишаблик бўйлаб пастга оқади ва деканинг қарама-қарши томонидан чиқарилади. Енгил аралашмалар аспирация мосламаси орқали ҳаво билан сўрилиб, филтрларда ажратилади.

Тош ажратиш машиналарини созлаш ва ундан фойдаланиш тартиби. Иш жараёнини олтита созланадиган параметрлар ёрдамида тартибга солиш мумкин. Булар - юклама, тебраниш амплитудаси ва йўналиши, ҳаво сарфи, деканинг қиялик бурчаги ва минерал аралашмаларни чиқариш зонасидаги созланувчи пластинканинг ҳолати.

Барча параметрлар ўзларининг созлаш механизмлари ва тегишли белгиланган кўрсаткичларига эгадирлар.

РЗ-БКТ русумли тошажратиш машинаси монтаж қилиниб, ишга туширилгандан сўнг яхшилаб созланади. Тебранма стол горизонтга нисбатан 75° бурчак остида ишчи ҳолатга қуйилади. Резбали бирлашмаларнинг таранг тортилганлиги текширилади. Машинанинг бекорга салт ишлаб турган пайтида бегона шовқин, тақиллаш ва титраш ҳоллари бўлмаслиги керак.

Машинанинг минерал аралашмалар чиқадиган томонида жойлашган айвонча (28) дека юзасидан 25 мм баландликда жойлаштирилади. Айвонча

(28) ҳолатини созлаб, минерал аралашмаларнинг ажралиш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Агар ҳаво созлагичининг тўсгичи очиқ турган ҳолатда ҳам дон қатлами "қайнамаса", деканинг тўрини симли чўтка ёрдамида тозалаш керак.

Тўғри созланган ва яхши ишлаётган машинанинг донни минерал аралашмалардан тозалаш самарадорлиги 98...99 % ни ташкил қилади.

5.1-жадвал

Тош ажратиш машиналарининг техникавий тавсифи

Кўрсаткичлар	РЗ-БКТ	РЗ-БКТ- 100	РЗ-БКТ- 150
Унумдорлик, т/соат	9	9	12
Ғалвирли юза майдони, м ²	1,0	1,0	1,5
Деканинг қиялик бурчаги, даражা	6...7	6...7	6...7
Тебраниш частотаси, тебр/мин	960	960	960
Тебраниш амплитудаси, мм	2,0... 2,5	2,0...2,5	2,0...2,5
Ҳаво сарфи, м ³ /мин	80	80	120
Корпудаги ҳаво сўриш босими (юкламасиз), Па	750	750	750
Электр титратгич қуввати, кВт	0,3	0,3	0,3
Габаритлари, мм: Буйи	1700	1750	1750
Эни	1410	1420	2020
Баландлиги	1960	1530	1530
Массаси, кг	500	275	400

Мехнат мухофазаси

Омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарида бошқа корхоналардаги каби меҳнатни мухофаза қилиш катта аҳамият касб этади. Мехнатни мухофаза қилиш бу корхонада узлуксиз жараёни кетаётган бир пайтда ишчиларнинг соғлиқлари ва меҳнат қилиш қобилятларини саклашга, шунингдек ишчиларни таъминлашга қаратилган. Корхонада бошқа омихта ем корхоналардаги сингари меҳнатни мухофаза қилиш бўлими иш олиб боради.

Бу бўлим корхонадаги ишчи ходимларнинг соғлом тарзда иш олиб боришиларини, хавфсиз жойларда меҳнат қилиш шароитини таъминлаб беради. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимни корхонада асосан қўйидаги ишларни амалга ошириш устида иш олиб боради.

- корхона худудида ва ишлаб чиқариш жараёнида иш олиб борадиган ишчиларга хавсизлик чора тадбирлари бўйича маъруза ўқиш;
- ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш учун ускуна қурилма ва бино хавфсизлигини таъминлаш;
- ишчиларнинг шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари, санитар – гигиеник чора – тадбирларини қўллаш, шу билан барча ишчилар меҳнат қилиш вақтида нормадаги олиш билан таъминлаш ва бошқариш.

Корхонада ун ишлаб чиқариш жараёнида худди ун ишлаб чиқарувчи корхоналаридаги каби атмосферага маълум миқдорда чанг ажралиб чиқади. Бу эса ишчи ходимлар соғлиқларига салбий таъсир кўрсатиш мумкин.

Масалан, натижасида турли хил нафас йўли касалликлари, аллергик касалликлар юзага келиши мумкин.

Шунинг учун ишлаб чиқариш корхоналарида ЙҚБЧК соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва СН 245 71 ва СН 40 88 86га киритилган. Бунга қўра ЙҚБЧК буғдой чанги учун $4 \text{ мг}/\text{м}^3$ ва омихта ем чанги учун $5 \text{ мг}/\text{м}^3$ дан ошмаслиги керак.

Буларнинг олдини олиш учун корхонада асперация, яъни ҳаво тозаловчи ускуналари ўрнатилади.. Корхонадан чиқаётган чанглар аввал тозаланиб, кейин атмосферага чиқарилади.

Корхонада атмосферага чиқинди чиқариш бўйича СН – 245 – 71 га асосан IV синфга мансуб ва санитар ҳимоя зonasи 100 метр ҳисобланади. Корхонада сув ичмлик сифатида ва юваниш учун ишлатилади.

Омихта ем ишлаб чиқариш корхонасида юқорида айтилганидек асосан чанглар ажралиб чиқади ва улар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Корхонада бош лойихасини тузишда ҳосил бўлаётган ишлаб чиқариш чанги аҳоли яшайдиган жойларга бормайдиган қилиб лойхаланади.

Автоматик бошқарув – бу масофадан туриб бошқарув бўлиб, талаб даражадаги хавфсизликни таъминлаб беради.

Автоматик бошқарувнинг вазифаси ускуна ёки жихозларни ишга тушириш, тўхтатиш йўналишини ўзгартириш ва жараённинг кетма – кетлигини таъминлаб беришдан иборат.

Корхонада яхши сифатли омихта ем учун ҳаво жараёни тўғри бориш учун бир неча турдаги асосий ва қўшимча ускуналар ва мосламалардан фойдаланилади.

Омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб турган ускуна ва жихозлар ўзидан чиқараётган шовқин ва тебранишларнинг олдини олиш учун қуидаги ишлар амалга оширилади: цехларнинг эшик ва деразалари ўзидан шовқин ўтказмайдиган герметик материалдан тайёрланган шовқинни пасайтириш учун ҳар бир асбоб – ускунанинг харакатлантирувчи қисмлари, яъни подшипниклари ҳолати текшириб мойланиб турилади. Тебранувчи ва харакатланувчи ускуналарнининг атрофига тўсиқлар қўйилмайди. Айланувчи жихозларнинг усти қобиқ билан ўралади ва маҳкам беркитилади. Корхонада СанПин – 0120 – 01, СанПин – 01 – 22 – 01 талабларига риоя қилинади.

Корхонадаги барча ишлаб чиқариш цехларининг хоналари яхши ёритилади, тўғри ёритилган хоналарда ишлаётган ишчиларнинг иш фаолияти яхши, кўзи толиқиши камаяди, иш унуми ошади, корхона хавфсизлиги таъминланади ва албатта сахсолот сифати ҳам яхши бўлади.

Корхонадаги бинолар, майдонлар ўз табий ёритишиниг нормалари табий ёритишининг коэффициентларига асосланиб СНиП 2 – 01 – 05 – 98 билан

қурилади. Корхонадаги омборлар ер ости йўллари, хоналари сунъий ёритилади.

Асосан сунъий ёритишда, люменицент лампалардан фойдаланилади.

Корхонанинг бинолари ва хоналарини нормадаги санитар ва гигиеник шароитлар билан таъминлашда иситиш ва шамоллатиш тизимлари катта ахамиятга эга. Чунки шамоллатиш ва иситиш орқали ишчиларнинг меҳнат шароитларини янада соғломлаштиришга эришади ва СанПиН – 0038 – 96 талабларига амал қилинади. Корхона бинолари, хоналари вентиляция тармоқлари билан таъминланган бўлади.

Шамоллатиш эса ГОСТ 12 – 028 – 81 талабларига жавоб беради.

Ун маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхонамизда ишчиларни электр токи таъсирида хаво бор жойларда механик тўсиқлар огоҳлантирувчи белгилар ва нейтралловчи ҳимоя тизимлари мавжуд. Бу корхонадаги барча асбоб –ускуналар электр токи билан ишлаганлиги сабабли уларни тўғри танлаш, ўрнатиш ва ишлатишда мавжуд бўлган қонун – қоида нормаларига ГОСТ 12.1.019 – 79 га амал қилинади.

Ишчиларнинг электр токи таъсирида жароҳатланишларини олдини олиш мақсадида электр қурилмалар, дастгоҳларда ҳимоя воситалардан фойдаланилади. Ишчилар электр токи билан иш олиб боргандарида шахсий ҳимоя воситалари ток ўтказмайдиган маҳсус оқ кийим, қўлқоплар билан таъминланган бўлади.

Омихта ем ишлаб чиқариш корхонасида барча ускуна ва жихозлар ишлаши давомида ўзидан кучли шовқин чиқариши билан бирга чанг ҳам чиқарадилар чанг эса олиб келиши мумкин. Шунинг учун тегирмон ва цехларда ишлайдиган ишчилар шахсий ҳимоя воситаларига оғиз – бўшлиғи ва нафас олиш йўлларини ҳимояловчи воситалар, қулоқларни шовқиндан асровчи маҳсус шапка ва захга чидамли қурилиш материаллардан олиб ишлатиш, зарур мосламалар билан таъминлаб, қурилиш норма ва қоидалари СНиП 11 – 89 – 90 (СНиП – 2 02 . 04 – 87, СНиП – 2 – 90 – 81, СНиП 11 – 2 – 80)ларга асосланиб қуриш лозим.

Барча ишлаб чиқариш саноат корхоналарининг бинолари одатда ўта чидамли бўлган темир бетондан қурилади.

Омихта ем ишлаб чиқариш барча саноат корхоналарида ёнгин содир бўлган вақтларда ишчиларни бино ва хона ичидан олиб чиқиб кетиш учун чиқиш йўллари бўлиши биноларни лойихалашда ҳисобга олинади. Бу йўллар эвакуация йўллари деб аталади. Бу маҳсус чиқиш йўли алоҳида ёнмайдиган материаллардан қурилган зина ва эшиклар бўлади. Чиқиш йўли орасидаги масофа СНиП – 2. 09. 02 – 85 га асосан бинонинг хажми, ўтга чидамийлиги даражаси, ёнгин хавфсизлиги категориясига кўра метрда белгиланади.

Агар корхона худудида ёнгин чиқадиган бўлса, корхона худудида 2 таер ости сув хавзаси мавжуд бўлиб, бу сувларни маҳсус ВЦ – русумли насос тортиб чиқариб беради.

Бу ховузлардаги сув 500 м^3 .

Бу сақланаётган сув сифими СНиП – 2 – 04. 02 – 85 га биноан ташкил этилган.

Бу сув тизими КНСнинг тармоқларига уланган бўлиб, фавқулотда вазиятларда тезда биноларнинг исталган жойига етказиб борилади. Бизнинг корхонамиизда ёнгин чиқадиган бўлса, ёнгинга қарши асосан инерт газлар ва кўпикли ўт ўчириш воситаларидан фойдаланилади. (ОХП – 10 09 – 5 УН – 2 ОП – 5).

Корхонада ёнгин қаерда бошланганлигини билиш керак. Бунинг учун эса биз технологик ускуналарда, омборхоналарда, биноларда, хуллас корхонанинг ҳар бир нуқтасида даракчи воситалар ўрнатилган. Бу воситалар ёнгиндан огоҳлантириш, ёнаётган жойи тезда топиш, ўт ўчириш бўлимени чиқаришда катта аҳамиятга эга. Ёнгин вақтида алоқа автоматик тарзда бажарилади. Бу бошқарув воситаси ёниш бошланиши ва унинг қаерда эканлиги ҳақида аниқ маълумот беради.

“ГАЛЛА АЛТЕГ” ОАЖнинг омихта ем ишлаб чиқариш комплексида 36 та ишчилар ишлайди ва улар таркибидан эса кўнгилли ўт ўчириш дружиналари ташкил этилган бўлиб, бу дружиналар ёнгин бошланган вақтда энг биринчи ёнгинни ўчириш учун фаолият юритадилар. Уларнинг ҳаммаси ўт ўчириш

воситаларидан фойдаланишни ўрганадилар.

Корхонада СНиП – 2 01. 03 – 90 га асосан енгил уринишнинг олдини олиш чора – тадбирлари кўрилган бўлиб, бунда корхона қўлқоплар, махсус кўзойнаклар, электрон ҳимояловчи воситалар киради. Бу шахсий ҳимоя воситалари Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмаси федерацияси ва меҳнат хавфизлиги қарорига асосланган ҳолда таъминланган.

Корхонада ишловчи ишчилар эҳтиёжлари учун СНиП 2.09. 04 – 87, СН – 245 – 71 нормаларига асосан санитария майший хизмат кўрсатиш хоналари ҳисобига олинади. Ҳар 3 – 15 кишига мўлжалланган душ тармоғи ишлайдиган ювениш хоналари бор. Бу хоналар ёнида кийимларни сақловчи шкафлари бўлган кийиниш хонаси мавжуд.

Корхонада соғлиқни сақлаш тиббиёт бўлими ҳам мавжуд бўллиб, у ерда битта шифокор иш олиб боради. ОНТП – 2486 га асосан корхонада қўлланиладиган ва олинадиган моддаларга қараб ёнғин, портлаш хавсизлиги бўйича 5 категорияга бўлинган. Омихта ем ишлаб чиқарувчи корхонамиз шу категорияларидан Б – категорияга мансубдир.

Корхона хоналари ёнғин хавфизлиги бўйича В – П синфга мансуб корхона лойихасини тузиш, биноларини қуриш учун энг аввало майдонни тўғри танлаш, оловга, ёмғир – қорга биноларнинг томига “антенали яшин қайтаргичлар” ўрнатилган. Бу яшин қайтаргичлар яшинни қабул қилиб олгандан сўнг ток узатувчи ва махсус ерга уланган симлар ўтказиб юборади.

Яшин уриш одатда иншоатларга икки хил таъсир кўрсатади. Агар яшин иншоатга тўғри урилса, иншоатларнинг бузилишига, ёнувчи моддаларнинг ёниб кетишига олиб келади. Иккинчи яшин уришида агар яшин тўғридан – тўғри урилса, унда ёнғин ва бузилишлар бўлмайди, лекин метал қопламали ускуналарнинг устида зарядларни электростатик индукцияланишини содир қиласди, бунда ускуналарда хавфли вазиятлар вужудга келиши мумкин. Шунда ходисалар юз бермаслиги учун антеналар яшин вақтида жуда ас қотади. Яшиндан ҳимоя қилиш бўйича корхоналар П категорияга мансубдир.

Экология

Хозирги қунда экологик хавфсизлик муаммоси миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат билан инсон ўзаро муйян қонунлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонунларни бузиш ушлаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Хозирги вақтда жаҳонда фан – техника тараққиёти жадал ривожланиши билан табиий заҳираларидан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига дунё аҳолиси йилдан йилга ўсиб бориб кўпроқ миқдорда озиқ – овқат, ёқилғи, кийим – кечак ва бошқаларни ишлаб чиқаришда талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суратларда қисқаришига тупроқларнинг бузилишига атмосферанинг бузилишига юқори қатламларида жойлашган аzon қатламишининг емирилишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ошиб кетишига ва бошқа салбий холатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Экологик хавфсизлик бугунги ва эртаси учун долзарблиги ва жуда зарурлиги энг мухим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар оммавий тарзда хал этилса, кўп жихатдан ҳозирги турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятига эга бўлади. Маълумки табиатнинг холати бирданига ва дархол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Бошқача қилиб айтганда экологик вазият аста секин ёмонлашиб боради.

Марказий осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят ҳавфли зоналаридан бири вужудга келганлигидан очиқ айтиш мумкинки.

Хозирги қунда Ўзбекистонда қуидаги асосий экологик муаммолар мавжуд.

Биринчидан ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пасайиши билан боғлиқ бўлган ҳавф ортиб бормоқда. Ерларнинг оммавий тарзда ўзлаштириш, ҳатто шўрланган ва мелорацияга яроқсиз йирик йирик, яхлит майдонларни ишга солиш ана шунга олиб келади.

Ўзбекистонда ноорганик менерал ўғитлар горбицитлар ва петицитларнинг қўлланилиши энг юқори нормадан ҳам ўнлаб баробар ортиқ эди. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости сувларини ифлослантиради. Бундан ташқари янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмайди. Ҳамма жойларда пахтакор назоратисиз суғорилади. Тупроқнинг намлиги кучайиб кетади. бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келади.

Тупроқнинг ҳар ҳил саноат чиқиндиларидан, саноат усулида қайта қайта ишлаш мосламаси қилинмаган. Ягона Тошкент майший чиқиндилар тажриба заводи 1991 йилдагина ишлай бошлади.

Радиоактив ифлосланиш айниқса катта хавф туғдирмоқда. Навоий вилоятидаги қолдиқлар сақланаётган жой экологик жихатдан хавфли ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив қумни шамол учирини мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назардан қараганда сув захираларининг шу жумладан ер ости ва ер усти сувларининг кескин тақчиллиги, ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда.

Сув захираларининг сифати энг мухим муаммоларидан биридир. 1960 йиллардан бошлаб Марказий Осиёда янги ерлар кенг кўламда ўзлаштирилди. Дарё сувларининг ифлосланиши экологик, гигиена, санитария – эпидемиология вазиятини айниқса дарёларининг қуий оқимларида ёмонлаштирилмоқда. Иккинчи томондан дарё сувларининг таркибида тузларнинг мавжудлиги Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёларнинг дасталарида тупроқнинг шўрини кучайтирмоқда. Бу эса қўшимча мелорация ишларини амалга оширишда зарур тизимларни барпо этиш ва тупроқ шўрини ювишда яққол сезилмоқда.

Учинчидан Орол денгизининг қуриб бориши хавфи ғоят кескин муаммо айтиш мумкинки миллий кулфат бўлиб қолди.

1911 – 1962 йилларда Орол дengизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб 53,3м. ни, сувнинг хажми эса 1064 куб. километрни ва менераллашув даражаси бир метр сувда 10 – 11 граммни ташкил қилган эди.

Денгиз транспорти балиқ хўжалиги, иқлим шароити жихатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга ҳар йили Сирдарё ва Амударёдан 56 куб километр сув келиб қўшилар эди.

1994 йилга келиб Орол дengизидаги сувнинг сатҳи 32,5 метрга, сув хажми 400 куб километрдан камроқقا, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди. Сувнинг менераллашуви эса 2 баробар ортди.

Буларнинг ҳаммаси Орол бўйи иқлимининг ўзгаришига олиб келди. 1980 йилдан бошлаб Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди.

Тўртинчидан ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши, ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдидdir. Мутахасисларнинг маълумотларига қараганда ҳар йили Республиkaning атмосферасига солинаётган таҳдиidi 4 млн. тоннага яқин заарли моддалар қўшилмоқда. Шуларнинг ярими углерод оксидига тўғри келади, 1,5% ини улеводород чиқиндилари, 14% ини олтингугурт қўш оксиdi, 9% ини озот оксиdi, 8% ини қаттиқ моддалар ташкил қилади ва 4% га яқин ўзига ҳос ўткир захарли моддаларга тўғри келади. Атмосферага углерод йигиндининг қўпайиб бориши натижасида ўзига ҳос кенг қўламдаги иссиқхона эфекти вужудга келади.

Осиё мінтақасида жойлашган Ўзбекистон Республикасида тез – тез чанг бўронларни кузатиб турувчи, атмосферани чанг тўзонга йўлғатувчи қорақум ва қизилқум сахроларидек йирик табиий манбалар мавжуд. Сўнги 10 йиллармобойнида Орол дengизининг қуриб бориши туфайли чанг ва тузлар кўчадиган яна бир табиий манба пайдо бўлди.

1980 йилларнинг бошларида қўшни Тожикистон Республикасида алюминий заводи ишга туширилиши билан Ўзбекистоннинг Сурхандарё вилоятига қарашли қўплаб туманларида экологик жихатдан танг аҳвол

вужудга келди. Завод атмосферага кўп микдорда фторли водород углерод оксидининг, олтингугурт тазини азот оксидларини чиқариб ташламоқда.

Воҳанинг юқори қисмида Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасида жойлашган заводнинг чиқиндилари, тоғдаги воҳа томонга эсадиган шамол билан уйдан узоқларга, асосан воҳанинг бир қатор туманларига, жумладан Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари худудларига тарқалмоқда.

Бўлажак технолог ва мухандислардан илмий – амалий масалаларни ечиш жараёнида экологик онг ва фикрлаш қобилияти тарбияланиб шунингдек такомиллашиб бориши керак.

Шунингдек келажак 10 йиллар, хатто 100 йиллардан сўнг рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни ҳам олдиндан била олиши керак.

Атмосферага ташланаётган газ – чанг чиқиндилари ва уларни тозалаш усуслари

жадвал №2

Атмосфера га ташланаётган газ ёки чанг чиқиндилари	Газ – чанг чиқиндиларининг таркиби %	Чиқиндиларниң миқдори м ³ /соат		Газ – чанг чиқиндиларниң миқдори м ³ /с		Ч. М. Ч.	Қўлланилаётган тозалаш усуслари, тозалагич жихозлари	Чанг ва газ чиқиндилари рининг рекуперацияси
		газси имон	чанг	Газси монатмосферага тозалангамасдан ташла наётгани	тозалашга бораётгани			
Чангни ушлаб қолувчи	ноорганик чанг	10,5	4,9	10,5	4,9	0,34	Циклон фильтлари	-

Корхонанинг (цех, бўлимнинг) сув билан таъминланиши

жадвал №3

Сув билан таъминлаш манбаси	Сувдан фойдаланиш $m^3/\text{соат}$		Айланма харакатдаги сувнинг хажми $m^3/\text{соат}$	Тоза сувни тежаш
	Лойиха бўйича	аслида		
Артскважина	30,5	25,6	10,2	90
Шаҳар сув таъминоти тармоғи	36,8	30,2	12,1	91

Оқава сувлар ва уларни тозалаш

жадвал №4

Оқава сувларнинг тури	Оқава сувининг ҳажми $m^3/\text{соат}$		Ифлосликл арнинг таркиби ч/л	Тозалаш усуллари	Тозалагич мослама ва ускуналар	Тозаланг ан сувнинг ишлатил иши йўллари
	тозалан аётган	Ташлаб юборилаёт ган				
Таркибида заррачалар, лойқаларлар бўлган оқава сувлар	20,2	10,1	ноорганик моддалар	механик	Фильтр, гидроцик лон, тиндирги ч	Хўжалик ишилари учун, техник сув

Ишлаб чиқаришда ҳосил бўлаётган қаттиқ чиқиндилар ва уларнинг
утилизацияси

жадвал №5

Жара ён номи	Чиқинд илар тури	Тайёр маҳсуло тнинг бирлиги га тўғри келадиг ан чиқинди лар миқдори	Чиқиндиларнинг таркиби		Чиқиндиларни нг ишлатилиши		Ишлатилма йдиган чиқиндила р ва уларни зарарсизла нтириш
			асосий моддала рнинг миқдори	қўшимч а моддала рнинг миқдори	Ўзинин г корхон асида миқдор и	Четг а соти лиш миқд ори	
Донл и хом ашёла рни тозал аш	III категор ия чиқинд илар	0,7	80	21	0,7	-	Шаҳар маҳсус трансга

Фуқаро ҳимояси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирликни ташкил этиш тўғрисидаги фармони. Аҳоли ва халқ хўжалигини объектларининг табиий оғатлардан муҳофаза қилиш ва самарали тизимини ташкил этиш тўғрисида.

1.Ўзбекистон Республикаси мудофаа Вазирлигининг фуқаро мудофаси, фавқулотда вазиятлар бошқармасини ташкил этиш, Фавқулотда вазиятлар Вазирлигини ташкил этиш.

2.Фавқулотда вазиятлар Вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини этиб, қўйидагилар беолгилансин.

3.Аҳоли ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза этиш ва таъминлашга раҳборлик қилиш.

4.Белгилаб қўйилсинки Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар Вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларни бажариш, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фавқулотда вазиятлар Вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида бир хафта муддат ичida қарор қабул қилинсин.

Тошкент шаҳри 1996 йил 4 март.

Фуқаролар мудаоси аҳолини худудий тармоқларни фалокат, табий оғатлар ва замонавий заарловчи воситалар таъсири натижасидаги мудофа қилиш мақсадида ўтадиган иқтисодий ижтимоий турдаги унум давлат чора тадбирлар мавжутдир.

Вазирлар Маҳкамасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” қарор 2 – модда: Асосий тушунчалар ушбу қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади. Гаровчи ушлаб турган шахсни озод этиш шартлари тўғрисида давлат хокимияти ва бошқарув органлари, ҳалқаро ташкилотлари бирон бир халокат содир этишга мажбур қилишлари мақсадида ишчилар томонидан қўлга олинган шахс.

Терроризм бу – сиёсий, диний ва мафкуравий мақсадларга эришиш учун зўровонлик билан қилинган адолатсиз харакат.

Террорчи бу террористик харакатни амалга оширувчи шахс.

5 – модда: Террористик фаолиятни олдини олиш.

28 – модда: Терроризмга қарши курашда бевосита иштирок этаётган шахслар қонун ва давлат ҳимоясида .

Тошкент шаҳри 200 йил 15 декабрь.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот васиталарида “чўчқа гриппи” тарқалганлиги хақидаги хабарлар асосий ўринни эгаллашмоқда.

Чўчқа гриппи чўчқалар орасида тарқалувчи ўткир респиратор кассалик бўлиб, улар бир биридан ҳаво томчи йўли орқали ёки тўғридан тўғри ўтади. Чўчқа грипининг вируслари H₁ N₁ турига бўлинади, аммо улар орасида бошқа турлари ҳам учраб туради (H₁ N₂, N₃, N₁ ва H₃ N₃) чўчқалар шунингдек куш грппи ва инсон грппини ўзларига юқтириб олишлари мумкин. Одамларга бу касаллик одатда касалланган чўчқалардан юқади, аммо инсонга юқиш холлари, қузатилга ва кузатилмоқда. Касаллик тарқалиши авж олмоқда. Ғайри оддий грипп эпидемияси ўтган йилнинг апрель ойи ўрталарида Мексикада бошланди. Сўнги маълумотларга қараганда касаллик Мексиканинг ўнта штатида қайд этилган ва бу касалликтан 149 киши вафот этди, 2 минга яқин киши касалхонага ётди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти касаллик тарқалиш хавфини 3 – 4 боқичдан ўтди деб баҳолади, 6 – босқичи касалликнинг бутун дунёга тарқалишидир.

Охирги мартда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти гриппнинг оммавий тарқалишини яъни унинг 6 – босқичини 1968 – йилда эълон қилганди.

Битирув малакавий иши “Ғалла Алтег” ОАЖ корхонасида ташкил қилинган. Корхона пойтахтимизнинг шимолий – шарқий қисмида, Ҳамза туманида жойлашаган. Бу корхонада навли унлар ва ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455 – сонли қарорига асосан обеъктда қуидаги фавқулотда вазиятлар содир бўлиши мумкин.

I Табиий ходисалар

1. Зилзила
2. Бўрон
3. Сув тошқини

II Техноген ходисалар

1. Хавфли химиявий обеъктлар (кучли таъсир этувчи заарли моддалар КТЭЗМ) ҳолокати.
2. Ёнғин ва портлашга хавфли бўлган обеъктларда содир бўладиган ёнғин ва портлашлар.
3. Техник жихозлар билан боғлиқ бўладиган авария ходисалари.

III Экологик ходисалар

1. Хавфли эпидимиологик холатлар
 - а) касаллик қўзғатувчи
 - б) бактерия ва вирусларни тушиши билан боғлиқ

Ушбу ходисалар юзага келганда фуқаро ҳимоясини ташкил этиш чора тадбирлари аввалдан кўриб қўйилган. Корхонада ўт ўчириш воситалари, ёнғиндан ҳимоя воситалари доимо тайёр туради. Корхона бир неча бошқа турдаги корхоналар ва аҳоли яшаш жойлари билан ўралгани учун бирор хавфли ходиса юз берса аҳоли бошқа жойга кўчирилади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш бинолари, тегирмон оқлаш бўлимени, омборхона, элеваторлар, ёнғинга, зилзилага чидамлилиги юқори бўлган темир бетондан қурилган.

Корхонада заарли ва ўткир заарловчи моддалар йўқ. Корхонада ишлайдиган шахсий ҳимоя воситаларининг бир неча тури билан таъминланади. Булардан нафас олиш органларини ҳимоялаш учун

противогаз ва распираторлар ишлатилади. Оёқкийимлар чармдан ёки резинали этиклар, махсус костюм – шимлар, кўз ҳимояси учун очиқ герметик кўз ойнаклар ва бошқа кийимлари билан таъминланади.

Корхонада заарли чангларни ҳосил бўлиши сабабли, заарсизлантириш учун ҳар хил циклонлар, винтилляция қурилмалари ишлаб туради.

Корхонада фавқулотда вазият шароитида, масалан, бирор табиий оғат (зилзила, авария) ходисаси содир бўлса, тезкор қутқарув ишлари олиб борилади. Бунда аввало, бўлим ходимларининг ўzlари, корхонадаги кўнгилли қуқарувчи гурухлар ва шу корхонадаги барча ходимлар жалб этилади. Бундан ташқари давлат қуқарув хизмати ходимлари ўт ўчириш хизмати ва тиббий ёрдам хизмати ҳам жалб этилади. Қутқарилган фуқароларга аввало тиббий хизмат кўрсатилади, сўнг бино, иншоат қутқарув тиклаш ишлари олиб борилади.

Корхонада асосий хом ашё буғдой дони ҳисобланиб, бу ерда навли ун ва бошқалар тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлар заарсиз бўлиб, аммо сақлашда катта эътибор ва меҳнатни талаб этади.

Агар сақлаш давомида маҳсулотнинг намлиги ҳаво билан таъминланганлиги ва бегона ҳидларсиз бўлган жойларда сақланади, акс ҳолда буғдой намлиги юқори бўлса, ҳаво алмашиши яхши бўлмаса, у ўз – ўзидан қизиши мумкин ва сифати батамон ўзгариб кетади.

Ун маҳсулотларини бегона ҳидлар бўлмаган жойда сақлаш мақсадга муофиқ, чунки бу маҳсулотлар ўзига бегона ҳидларни тортиб олиш хусусиятига эга.

Корхонада тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулот омборида полипролилен қопларда, ҳар бир қопда 50 кг дан ёки майда қадоқланган (0,5 – 1 кг) ҳолда намликдан ҳоли жойларда сақланади.

Автоматлаштириш

РЗ-БКТ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАСТУРИ – МАҲСУЛОТНИНГ ЙИЛЛИК ИШЛА
ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ
(НАТУРАЛ ВА ҚИЙМАТ ИФОДАСИДА)**

ж-1

№	Маҳсулот номи	Ўлчам	Бир ўлчам (сўм)	Натурал ифодасида	Қиймат ифодаси сўм
1	2	3	4	5	6
1		T	692515,61 675316.62	79300 68625	54916487,9 47523883,7
	жами				

1. Йил мобайнида завод ишлайди – 305 кун

И/Ч куввати суткасига – 260т/с

2. Йиллик и/ч куввати – 79300 91500 тонна

Шу жумладан:

I нав – 75% - 59475 т

Керак – 21,5: - 17050 т

Чизиқдан – 3.5% - 2775.5 т

Чиқиш – 75%

**МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИНГ (Ж-2)
КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ**

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми – 68625 т

Махсулотнинг калькуляцияси ўлчами – 1 т

№	Сарф моддалар		Сарфлар қиймати
1	2	3	4

1	Материалларга доир түғри сарфлар	602147.08	41322343.3
2	Мехнатга доир түғри сарфлар шу жумладан:	22174.74	1521739.47
3	А) И/ч ишчиларнинг иш хақи	17739.77	1217391.71
4	Б) Ижт.сугурта ажратмалари	4434.94	304347.75
5	Материалларга доир ёндош сарфлар	18146.92	1245332.38
6	И/ч таннархи	653316.62	4483385.3
7	Фойда	39198.99	2690030.6
8	Махсулот рентабеллиги	6	----
9	Корхонанинг улгуржи баҳоси	692515.61	47523883.7
10	Келишилган (эркин сотиш) баҳоси 20%	831018.73	57028660.34

АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ ҲИСОБИ

№	Күрсаткичлар	Ўлчам	Лойиха бўйича
1	2	3	4
1	Йиллик и/ч маҳсулот хажми а) натурал ифода б) товар маҳсулотининг қиймати	Т М.сўм	79300 54916487,9
2	1 ўлчам маҳсулотнинг таннархи (ишлаб чиқариш сарфлари)	Сўм т	692515.61
3	Йиллик маҳсулотининг таннархи	М.сўм	65899775,7 4483385.3
4	Маҳсулотни эркин сотиш баҳоси (КҚС-сиз)	Сўм т	831018,61

5	Йиллик фойда	М.сўм	10983287,8 269000,6
6	Махсулот рентабеллиги	%	16
7	1 ишловчининг ўртача ойлик иш хақи	Сўм	760000
8	1 ишчининг ўртача ойлик иш хақи	Сўм	400000
9	Моддий сарфларнинг и/ч таннархдаги улуши	%	92

Курсаткичлар хисоби:

1. Йиллик махсулотнинг хажми – натурал ифодада (лойиха бўйича –Ки/ч) ва қиймати бўйича (Ки/ч*Эб).
2. Махсулот и/ч таннархининг колкуляцияси бўйича бир ўлчам махсулотнинг тан нархи уни ишлаб чиқариш ва соти кетган сарфларнинг куп ифодасидир.
3. Махсулот ишлаб чиқариш тан нархининг колкуляцияси моддалардан иборат:
 - I. Материалларга доир тугри сарфлар – жадвал 2;
 - II. Мехнатга доир тугри сарфлар:
 - а. и/ч ишчиларнинг иш хақи
 - б. Ичтимоий сутурта ажратмаси (24%)
 - III. Материалларга доир ёндош (кўшимча) сарфлар;
 - IV. Мехнатга доир ёндош (ыщшимча) сарфлар;
 - V. Асосий фонdlар амартизацияси;
 - VI. Бошқа қолган, шу жумладан устама харажатлари

I-VI=и/ч т/н
4. Йиллик фойда:

$$\Phi = (\text{Убк} - \text{T}/\text{n}) * \text{Ки}/\text{ч}$$
5. 1(бир) улчам махсулотнинг эркин – сотиш баҳоси:

$$\text{Эб} = \text{Убк} + \text{А} + \text{ККС}$$
. ККС-қушимча қиймат солиги (20%)
6. Махсулот рентабеллиги:

$$P_m = \Phi / \text{И}/\text{ч} \text{ Т}/\text{n} * 100$$
7. 1 шундаги ва 1 шугининг
 Ўртача ойлиги шу нарх .
8. Тўғон моддий сарфларнинг и/ч т/н – даги улуши тўғи моддий сарфлар 100%

Хулоса

Малакавий битирув ишим шу кунга қадар мутахассислик ва умумтаълим фанларидан олган билимларимнинг якунловчи ҳисоботи бўлиб, бунда олган билимларим чуқурлашди, хусусан ишлаб чиқариш технологик тизимларини ўргандим, технологик ускуналарни ҳисобладим, замонавий омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарининг иши билан танишдим ва шу билимларимни келажакда амалиётда тадбиқ этаман.

Малакавий битирув ишини бажараётганда, бутун ўкув жараёнида олган билимларим намоён бўлди.

Малакавий бити्रув ишини бажариш учун қуидагиларни амалга оширдим:

Малакавий битириув ишим икки қисмдан иборат бўлди: ҳисоб-изоҳнома ва график қисм. График қисми фан техникани ривожланишини ҳисобга олган ҳолда комьютер-графикасидан фойдаланиб чиздим ва А4 форматли ватман қоғозига нашр қилдим. Бунда: технологик тизмани, асосий технологик дастгоҳни 3 кўринишини ифода этидим. Ҳисоб-изоҳнома қисми 70 бетдан иборат бўлиб, 280 x 200 мм ҳажмли қоғозга чапдан – 25 мм қолдирилган ҳолда комьютер техникасидан фойдаланиб ёзdim ва нашр қилдим.

Ҳисоб-изоҳнома титул варағи, малакавий битириув ишини бажариш учун берилган топшириқлар билан асосланган.

Лойихавий битириув малака иши ҳисоб-изоҳномасининг технологик қисми қуидаги тартибда: Мундарижа, Кириш, Технологик қисми: Технологик жараённинг назарий асослари, Танланган чизмани асослаш, Технологик чизманинг ёзуви, Хом-ашё ва тайёр маҳсулотнинг тавсифи, Ускуналарни танлаш ва ҳисоблаш, Техно-кимёвий назорат, Мехнат муҳофазаси, Экология, Фуқаро ҳимояси, Иқтисод бўлими, Автоматлаштириш, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Шундай қилиб, Ун-ёрма ва омиҳта ем саноатининг тараққиёти унинг ривожланиши юзасидан ҳукуматимиз, Вазирликлар ва «Ўздонмаҳсулот» АҚ томонидан чиқарилган ва қабул қилинган қарорлар, буйруқларга асосланган ҳолда саноатнинг ҳозирги даврдаги ривожи тармоқнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий жиҳозлар билан қайта жиҳозлаш бу соҳадаги ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан биридир. Шу аснода, республикамида чорвачиликни ривожланиб бораётганинини ҳисобга олсак, бажарилаётган малакавий битириув ишларимиз ҳам ана шундай муаммоларнинг ечимларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.-Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009
2. Торжинская Л.Р., Яковинка В.А., „Технический контроль хлебопродуктов”. – М.: Агропромиздат, 1986 г..
3. Хайитов Р.А., Зупаров Р.И., Раджабова В.Э., Шукуров З.З. „Дон ва дон маҳсулотларининг сифатини баҳолаш ҳамда назорат килиш”.
- 4.,„Правила организации и ведения технологического процесса на комбикормовых заводах”. –М., 1990 г.
- 5.Миончинский П.К., Кожарова Л.С., Производства комбикормов. М.Агропромиздат, 1991.
- 6.Бутковский В.А.Технология мукомольного, крупяного и комбикормового производства М.ВО «Агропромиздат», 1989.
- 7.Егоров Г.А., и др. Практикум по технологии муки, круп и комбикормов М.Агропром издат, 1991.
- 8.Егоров Г.А., Мельников Е.М., Максимчук Б.М. Технология муки, крупы и комбикормов М: Колос 1984.
9. Егоров Г. А. Мартыненко Я. Ф., Петренко Т. П. Технология и оборудование мукомольной, крупяной и комбикормовой промышленности. Изд-во “Издательский комплекс МГАПП“. М. 1996.
- 10.Р.Р.Галицкий Оборудование зерно - перерабатывающих предприятий М.:Агропромиздат, 1990.
- 11.Копейкина Т.К. Практикум по мукомольно-крупяному и комбикормовому производству М. «Колос» 1972й.
- 12.О.Қудратов Саноат экологияси Тошкнт 2002 йил

- 13.Юсуфбеков Н. Технологик жараёнларни автоматлаштириш Тошкент – “Ўзбекистон” 2000 йил
- 14.Аъзамов А. Мехнатни муҳофаза қилиш Тошкент 2002 йил
- 15.Полоцкий Л.М., Лапшенков Г.М. Автоматизация химических производств; Учебное пособие для Вузов.-М.: Химия, 1985.
- 16.Юсупбеков Н.Р., Мухамедов Б.Э.,Гуломов Ш.М. Технологик жараенларни бошқариш тизимлари. Дарслик, -Т.:Уқитувчи, 1997.
- 17.Ортиқов А., Мусаев А.К., Юнусов И.И. Технологик жараенларни назорат қилиш ва автоматлаштириш. Услубий қўрсатма. Тошкент. ТКТИ 2004.
- 18.Ортиқов А., Мусаев А.К., Юнусов И.И. Технологик жараенларни назорат қилиш ва автоматлаштириш. Ўқув қўлланма. Тошкент. ТКТИ
- 19.П.М. Турсунходжаев, доц. Н.К. Ойхўжаева, катта ўқит. С.П. Очилова. Бакалаврларнинг малакавий-битириув ишларининг технологик ва иқтисод қисмларини бажариш учун услубий қўлланма, Тошкент, ТКТИ - 2006.

